O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 3-sentabr, chorshanba | № 71 (7576)

Da'vat

Jahon keng, dunyoda mamlakat ko'p, lekin bu olamda betakror ona-yurtimiz, O'zbekistonimiz yakkayu yagona. Bu go'zal yurt, bu muqaddas zamin faqat bizga ato etilgan. Shu ulug' tuyg'u har birimizning dilimizga jo bo'lishi, hayotimiz mazmuniga aylanishi lozim.

Islom KARIMOV

Ibrat

Keyingi ikki yil ichida birgina Qibray tumanida shirkat xo'jaliklari hisobidan 8 ta maktab bunyod etildi va jihozlar bilan ta'minlandi. Mamlakatimizda har yili Mustaqillik bayramiga bolalar uchun yangi maktablar bunyod etib, tuhfa qilayotgan homiylar safi tobora o'sib bormoqda.

Shodiyona

ИСТИҚБОЛДА БОР ЁРУҒ ИҚБОЛ

Гўдак дунёга келгач, уни авайлаб ювиб-тараб, бешикка солишади. Вақт ўтган сари гўдак бешикдан чиқишга интилади. Нега? Фалсафа варақлашнинг ҳожати йўқ. Унинг юраги каттара бошлайди. Кунлар ўтавергани сайин унинг "инга-инга"сини яна бир сабабга йўямиз: у қўли бўшатилишини истайди. Демак, гўдак улғаяётир, у нигоҳидаги дунё кенгаяётганини илғайди ва шунга интилади, бу табиий жараён...

Куни кеча мамлакатимизда истиқлолга эришилган сананинг ўн икки йиллиги тантанали тарзда нишонланди ва бу шодиёна шукуҳи юртимиз бўйлаб давом этмоқда. Бугун бу мустақил юрт истиқлол эълон қилинган кунларда туғилган бола сингари навқирон ёшга тўлди. Бугун дунёни танилган ва ўз истиқлоли даврида кўплаб соҳаларда эришган ютуқлари билан дунёга ўзини танитган ўн икки ёшли диёрнинг шу ёшдаги фарзанди нигоҳига дунё сиғмайди. Тенгдош бу икки хилқат кун сайин бўй кўрсатмоқда. Гўдакнинг юраги соат сайин каттаргани каби ўн икки ёшли фарзанднинг тафаккури кенгаяяпти, ўн икки ёшли мустақил мамлакатнинг дунёдаги нуфузи ортаяпти.

Лекин бу жараён нимани ҳисобига юз бермоқда?

Мамлакатимиз ҳукумати мустақилликнинг илк йилларидаёқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришди. Бунга дастлабки қадам сифатида олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг жаҳон тажрибасида синалган усул — тест синовлари асосида олиб борила бошлаганини айтиш жоиз. Турли адолатсизликларга чек қўйган бу усулнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири сифатида эса, тест синовлари орқали фақат билимли, зукко, иқтидорли болаларгина олий ўқув юртлари талабалари бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир. Бу — мамлакатдаги барча қатламдаги аҳоли фарзандларининг истиқлол эпкинидан дастлабки баҳраманд бўлиш имкони эди.

Азиз муштарийнинг яқин ўтмиш ва бугуннинг қиёсини янада аниқроқ англаши учун қуйидаги рақамларни келтиришни жоиз билдик:

— бугунги кунда мамлакатимизда 6865 та болалар боғчалари мавжуд бўлиб, уларда 642 минг нафар болажон тарбияланмоқда;

— айни пайтда юртимиздаги 9702 та мактабда 6 миллион 272 минг нафар ўқувчи таълим олаётир. 1997 йилдан бошлаб, ҳар янги ўқув йили бошланишида мактабга илк бора қадам қўяётган болажонларга Президент совғаси — 12 турдаги ўқув қуроллари тақдим этиб келинмоқда. 2003-2004 ўқув йили бошланишида бундай туҳфага юртимиз аҳлининг 625272 нафар фарзанди сазовор бўлишди;

— "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 1998 йилда мамлакатимизда илк бор умумий ўрта таълимдан кейинги таълим муассасалари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Бугунги кунга келиб, юртимизда 30620 нафар ўқувчига мўлжалланган 51 та академик лицей ва 285685 нафар ўқувчига мўлжалланган 419 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Мазкур объектлардан 95 таси янги қурилиш ҳисобига фойдаланишга топширилган ва бу ишларга республика бюджетидан 380 млрд. сўмдан ортиқ капитал маблағ сарфланган.

Мамлакатимизда 1991 йили жами олий ўқув юртлари сони 52 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 63 тага етди. Мазкур олий ўқув юртларининг 19 таси университетлардир. Шунингдек, бундан ўн икки йил аввал олий ўқув юртлари талабалигига 23 минг нафар йигит-қиз эришган бўлса, жорий йилда бундай номга 51 минг нафар абитуриент сазовор бўлди.

Ўтган йили Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали ва бу йил Европа таълим тизими стандартига жавоб берадиган Халқаро Вестминстр университетининг очилиши ҳам мустақиллик шарофати биландир.

Бу рақамларни ўқиган муштарий юқорида берилган саволга жавоб топгандай бўлади. Чунки таълим тизими ислоҳотлари меваси — ўзбек фарзандларининг дунёнинг турли давлатларида таҳсил олаётганлари ҳам бир жавоб бунга. Бу ёшларнинг аниқ мақсадга эга экани юрт келажаги учун жон куйдира оладиган авлод етишиб чиқаётганидан даракдир.

Дарҳақиқат, юрт келажаги учун қайғуриш мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошланган ва бугунги кунга келиб, бу туйғу диёримиз аҳли онгига сингиб улгурди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг истиқлолнинг ўн икки йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида ҳам бу оҳангни туямиз: "Бугун эл-юртимизнинг ния ва орзулари, интилиш ва ҳаракатлари, ўз олдига қатъий қилиб қўйган мақсадлари аниқ ва равшан. У ҳам бўлса:

— Она-Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро тероризм, диний экстремизм, наркотик каби балоқазоларни остонамизга мутлақо яқин йўлатмаслик;

— ҳаётимизда ҳалибери учраб турадиган бепарволик ва лоқайдликдан воз кечиб, замон шиддати олдида бўш келмасдан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда бошлаган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва охирига етказиш;

— жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, демократик қадриятларни ҳаётимизда қарор топтириш, бу борада эски тузумдан қолган асорат ва ёндашувларга бутунлай барҳам бериш, бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий замин яратиш;

— буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, фарзанларимизни етук инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик — давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий устувор вазифаси бўлиб қолиши, айниқса, муҳимдир;"

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллигининг ўн икки йиллигини нишонлаётган мамлакатда шу даврда унда қилинган меҳнат самарасини билишни истаган киши бу юртда бўлаётган ўзгаришларга боқсин. Шунда у эртани ўйлаб қилинаётган ишлар кўламини сезади, бу мамлакат кун сайин улғаяётганини, кучга тўлиб бораётганлигини англаб етади.

Шерали НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири



Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида янги турар-жойлар, маданий-маиший бинолар, иншоотлар очилиб, халқимизга туҳфа этилиши анъанага айланиб бораётир. Тошкент тумани Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги томонидан янги ўқув йилида 9-умумий ўрта таълим мактаби қошида 26 синфдан таркиб топган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилиши ҳам ана шу анъананинг давомидир. Синфхоналари замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Мактабнинг очилиш маросимида вилоят ва туман ҳокимлиги мутасадди ходимлари, ота-оналар қатнашдилар.

Янги мактаб биноси фойдаланишга топширилишидан ота-оналару ўқувчилар чексиз мамнун бўлишди. Мутасаддилар мактаб директорига рамзий калитни топширгандан сўнг, ўқувчилар синфхоналарга кириб, истиқлол сабоқларини ўта бошладилар.

Суратларда: мактаб очилиши тантанасидан лавҳалар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

ИЛК ҚЎНҒИРОҚЛАР МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИГА ЧОРЛАДИ

Куни кеча мамлакатимиз барча таълим муассасаларида Мустақиллик байрами ва Билимлар куни катта шодиёналар билан кутиб олинди. Янги ўқув йилини янги куч-ғайрат билан бошлаётган илм масканлари шу куни кўпсонли ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоаларидан ташқари, ота-оналар, маҳалла фаоллари, туман, шаҳар ҳокимликлари, халқ таълими бўлими мутасаддилари ва ҳомий ташкилот вакиллари билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназиясида байрам тантаналари таниқли хонанда Юлдуз Усмонованинг «Ватан учун яшайлик» қўшиғи билан бошланди. Тадбир бошловчиларининг бири-биридан чиройли ва мазмунли шеърий табрик сўзларидан сўнг Давлатимиз Мадҳияси янгради. Мазкур илм маскани раҳбари, тажрибали педагог Гуландом Субҳонова йиғилганларни Буюк Истиқлол байрами ва янги ўқув йилининг бошланиши билан самимий табриклади.

Машҳур «Ассалом, янги авлод» рақс ансамбли аъзоларининг жозибали чиқишлари давом этаётган бир пайтда бошловчилар ўртага мусиқа садолари остида бу йил ушбу таълим муассасасига илк маротаба қадам қўяётган жажжи ўғил-қизларни таклиф этишгач, уларга 11-синф ўқувчилари совға-саломлар топширишди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ХТББ ҳамда ҳомий ташкилотлардан ташриф буюрган меҳмонлар ўқувчи-ёшларга эзгу ниятлар билдиришиб, биринчи синф ўқувчиларига Президент совғаларини тантанали равишда тақдим этдилар.

Биринчи қўнғироқ чалиниб, ўқувчилар синф раҳбарлари билан ўқув хоналарига киришиб, улар учун янги ўқув йилидаги энг биринчи машғулот — Мустақиллик дарси бошланди.

Юлдуз РАҲМОНБЕРДИЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАЪРУЗА КЕРАК, БИРОҚ... 3-бет

ЧИЗМА ТАХТАДАН ЭКРАН АФЗАЛ 3-бет

ПОСБОН БУРГУТ 4-бет

ТИЛ МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО МУЛКИДИР 5-бет

ТАНГРИ ЁРЛАҚАГАН ФАРЗАНД 6-бет

ТАЪЛИМ САМАРАСИ ЎҚИТУВЧИ МАЛАКАСИГА БОҒЛИҚ 6-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga binoan Hamidulla Sadullaevich Karamatov O'zbekiston Respublikasining Fransiya Respublikasidagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlandi.

YANGI SPORT MAKTABI

Xorazm viloyati Yangibozor tumani yosh sport ishqibozlari uchun mamlakatimiz mustaqillik bayrami arafasida tuhfa etilgan bolalar va o'smirlar sport maktabi hashar yo'li bilan qurilib, tumandagi ko'plab mehnat jamoalari asosiy binoni, boshqa inshootlarni bunyod etish, zarur anjomlarni xarid etishga 200 million so'mdan ortiq mablag' sarflashdi.

YANGI OB'EKT FOYDALANISHGA TOPSHIRILDI

Mamlakatimiz mustaqilligining 12 yilligiga Sirdaryo viloyatining Sharof Rashidov tumanida foydalanishga topshirilgan yangi ijtimoiy ob'ektlardan biri F.Uzoqov nomli fermerlar birlashmasida ochilgan zamonaviy kompyuter sinflari, sport va majlislar zallariga ega bo'lgan 450 o'quvchiga mo'ljallangan yangi qishloq xo'jalik kolleji bo'ldi.

(Davomi 2-betda)

УСТОЗЛАРИМ САФИГА ҚАЙТДИМ

Qutlug' ostona

Мана шу 12 йил давомида барча соҳалар қатори таълим соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Илмга чанқоқ ёшларни рағбатлантириш, чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор нуфузли жамғармалар фаолият кўрсатмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди ва шу бўйича катта ишлар амалга оширилмоқдаки, уларни ҳаётга татбиқ этишда ўқитувчидан тортиб ота-оналар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юкланган. Муаллимлар олдига ана шундай долзарб вазифалар қўйилаётган бир пайтда мактабга ёш мутахассис сифатида қадам қўймоқдаман. Аслида мен лицей-интернатни 1999 йилда битказиб, ўзим севган кимё фани ўқитувчиси касби бўйича устозларим Муборак Маҳмудова, Аминбой Қурёзов, Умид Исмоиловлар изидан бориб, Урганч давлат университетига ўқишга кирдим.

Талабалик давримда тинмай ўқиб изланиб касбимнинг кўпгина сирларидан воқиф бўлдим ва етук даражали мутахассис дипломига эга бўлдим. Мана мен ҳам кўпгина ёш ўқитувчилар билан биргаликда устозларим сафига қайтдим. Мен шу касб эгаси бўлганимдан фахрланаман.

Ўқитувчилик касбининг нақадар машаққатли эканлиги ҳақида буюк бобомиз Алишер Навоий шундай деган: "Ҳар қандай руҳий тетик инсонни бир боланинг тарбияси чарчатади". Зеро, шундай экан биз ёшлардан ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун кўп изланувчанлик ва илғор педагог устозларимиздан тинмасдан ўқитувчилик касбининг сир-синоатларини ўрганиб боришга тўғри келади.

Мен ўқувчиларимни миллий истиқлол ғояси билан қуроллантириб, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган мустақил фикрига эга бўлган, Ватан манфаатини ўз манфаати, деб биладиган етук баркамол шахс қилиб тарбиялашга бор куч-ғайратимни сарфлайман. Шу билан бирга мен ўқитувчиларнинг бош педагогик кенгашларида устозларим олдида қабул қилган қасамёдимга содиқ қоламан.

Чунончи:

— Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мувофиқ ўқувчиларга давлат таълим стандартлари асосида чуқур билим бериш, менга ишониб топширилган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, инсонни ҳурмат қилувчи, истиқлолимизни қадрловчи, миллий қадриятларимизни юксакларга кўтарувчи, эркин фикрловчи баркамол шахс сифатида тарбиялаш, уларда маънавий онг, миллий мафкура ғояларини шакллантириш;

— ўқувчиларимга жонкуяр устоз, дўст, таянч бўлиш, уларнинг қобилияти, иқтидори, истак ва умидларини рўёбга чиқариш;

— давлатимизнинг келажаги ва юксак орзуси — соғлом ҳамда баркамол авлод тақдири учун курашиш;

— ўз касб-маҳоратимни тинмай ошириш, бор билимимни ўқувчилар таълим ва тарбиясига сарф этиш, устоз номини юксакликка кўтариш, фидойи ўқитувчи, мураббий бўлиш йўлида тинмай меҳнат қилишга азму қарор қилганман.

Дилафрўз РАҲИМОВА,
Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги аз-Замахшарий номли 5-умумий ўрта таълим мактаби муаллимаси

Yana bir quvonchli tomoni shuki, bu yil maktabimiz bilan yonma-yon ijtimoiy-iqtisodiy yo'nalishdagi zamonaviy kasb-hunar kollejining o'z faoliyatini boshlashidir.

Mening Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga sazovor bo'lishim — sizning o'gitlaringiz mahsuli, deb bilaman.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

BILIM BAROBARIDA SOG'LIK

Navoiy tibbiyot kolleji talabalari yangi o'quv yilini yangi binoda boshlab, ular hamshiralik, akusherlik, farmasevtika, diagnostika bo'limlarining barcha qulayliklarga ega bo'lgan sinfxonalarida bilim oladigan hamda bayram kunlarida foydalanishga topshirilgan ikki yarim gektar maydondagi sport majmuida mazza qilib sport bilan shug'ullanadigan bo'lishdi.

БАНК КОЛЛЕЖИ ЯНГИ БИНОСИ

ТОШКЕНТ(ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА). Истиқлол байрами кунлари пойтахтимизнинг Мойқўрғон мавзеида Тошкент банк коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида таълим соҳасида мутлақо янгича тизим — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими жорий этилди. Бу умумий ўрта ва олий таълимни ўзаро боғлаб турувчи муҳим бўғиндир.

Коллеж замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер синфхоналари, кутубхона, спорт мажмуи, анжуманлар зали, ётоқхона, ошхона билан таъминланган.

ИЛК ҚЎНҒИРОҚЛАР МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИГА ЧОРЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган 244-умумий ўрта таълим мактабида ҳам байрам шодиёналари кўтаринки руҳда нишонланди. Биринчи қўнғироқ илк марта чалинаётган биринчи синф ўқувчилари даврага кириб келишгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси янгради. Мактаб директори Феруза Мадаминова барчани Истиқлол байрами билан табриклаб шундай деди:

— Биз бугун Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 12 йиллик мучал тўйини янгидан-янги зафарлар билан кутиб олмоқдамиз. Бу йил илм масканимизнинг 11-синфини тугатган ўқувчиларимиздан 7 нафари пойтахтимиздаги олий ўқув юртларига, 9-синфни тамомлаган шогирдларимиз эса шаҳримизнинг энг нуфузли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқишга киришиб, таълим олишни давом эттиришмоқда. Бугунги кунда фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрли, билимли бўлиб вояга етишишларини таъминлаш борасида мактабимизда барча шарт-шароитлар мужассам. Мана шу азиз даргоҳни асраб-авайлаш, яхши таълим олиш фақат ўқувчиларнинг ўзларига боғлиқ. Биз устозлар ўқувчи-ёшларнинг илм олиш, кўпроқ билишга бўлган иштиёқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёрмиз.

Байрам тадбирида «Наврўз» маҳалласи фаоллари раиси Гулчеҳра Жафарова нутқ сўзлаб, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 700 минг сўмлик ўқув адабиётлари ва дарсликларни тақдим этди.

Мазкур илм даргоҳида бу йил биринчи қўнғироқ ноанъанавий тарзда чалинди, яъни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги қабул қилинган тарихий сана — 1991 йил 1 сентябрь куни туғилган 12 ёшдаги мактаб ўқувчилари Шаҳноза Аҳмедова ва Тимур Ҳамроевлар биринчи синфга келган жажжи қизалоқ Гулнафис Орипова билан бирга қўнғироқ чалишиб, барча ўқувчиларни Мустақиллик дарсларига чорлашди.

Жумагул АЛИМБЕКОВА

***

Мустақиллик дарслари ва илк қўнғироқ тантаналари Юнусобод туманидаги 105-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Тадбирга, шунингдек, бундан 50 йил олдин ушбу мактабга илк бор 1-синфга қадам қўйган собиқ ўқувчилар биринчи марта қўлларга қалам тутқазган ўқитувчилари билан ташриф буюришиб, устозларини ушбу айём билан табриклаб, совғаларини топширишди.

Шунингдек, Абдували Ибрагимов ташаббускорлигида ташриф буюрган собиқ ўқувчилар бу йил мактабга 1-синфга қабул қилинаётган ўқувчиларга янги ўқув дарсликларини тақдим этишди.

***

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Ч.Валиханов номидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби ҳовлиси ҳам шу куни устозлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, мактаб ҳомийлари ва «Товоқсой», «Паргос» маҳаллалари фаоллари билан тўлди. Ён-атроф ёш авлодни илм-фан оламига чорловчи сўзлар битилган плакатлар, ранг-баранг шарлар ва гуллар, турфа ҳил байроқчалар билан безатилган. Даврага мактабга илк марта ташриф буюришган кичкинтой ўғил-қизлар таклиф қилинди. Уларнинг аксарияти 5-«Лола» мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси ижро этилгач, байрам тадбири бошланди.

— Бу йилги 44 нафар битирувчимиздан 18 нафари қатор олий ўқув юртлари талабалари бўлишдек бахтга сазовор бўлишгани биз устозларни ҳам беҳад ҳурсанд қилмоқда, — деди ушбу илм даргоҳи раҳбари Гулжан Ускенова. — Яна бир қувончли томони шуки, бу йил мактабимиз билан ёнма-ён ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги замонавий касб-ҳунар коллежининг ўз фаолиятини бошлашидир. Келгусида мактабимиз 9-синф битирувчилари ана шундай муҳташам даргоҳда муайян касб-ҳунар сирларини мукаммал ўрганишлари учун замин яратилаётганидан мамнунмиз.

Мустақиллик байрами ва янги ўқув йилининг бошланишига бағишланган тадбирда кекса педагог Т.Турғинбоев, «Лола» мактабгача таълим муассасаси мудираси Н.Юлдашева, Бўстонлиқ туман халқ таълими бўлими, «Паргос» жамоа хўжалиги каби қатор ташкилотлар вакиллари ҳамда ота-оналар сўзга чиқиб, мактаб ўқувчиларига баркамоллик, устозларга эса ижодий зафарлар тилашди. Биринчи қўнғироқ садолари билан барча синфхоналарда Мустақиллик дарслари бошланди.

Нурлан УСМОНОВ

Бурҳон РИЗО олган суратлар.



Ehtirom

ЗИЁКОР

Ўзбек халқининг истеъдодли шоири Абдулла Орипов "Икар" шеърида фазога илк қадам қўйганларга фахр дея нисбат беради. Шоир ўз шеърида ҳар бир соҳанинг фидоийларини ана шу Икарларга қиёс этади. Ҳар гал шу шеърни ўқиганимда, кўз ўнгимда сиз намоён бўласиз, меҳрибон устоз. Сизнинг нурли сиймоингиз, покиза қалбингиз ана шу ўхшатишга жуда мос. Сиз, меҳрибон устоз, эсингизни таниганингиздан буён бутун кучингиз, билимингиз ва қалб қўрингизни ёш авлодни тарбиялашга бахш этиб келаяпсиз. Тўғри, халқ таълимида ҳаётини болалар тарбиясига бағишлаган инсонлар жуда кўп. Лекин сизнинг бу соҳадаги фидойилигингиз, болажонлигингиз бошқача. Мен эсимни таниб, энди мактабга бораман деб юрган чоғларимдаёқ сиз биз кичкинтойларга "яхши ўқинглар, болажонларим", деб берган панд-насиҳатларингизни ҳеч қачон унутолмайман.

Одатда инсоннинг келажакда ким бўлиб шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топишида унинг биринчи қадами, аниқроғи, қандай устозлар қўлида сабоқ олиши жуда муҳим аҳамият касб этар экан. Сиздек устоз раҳбарлик қилган мактабда таълим ва тарбия олиш бахтига муяссар бўлганимдан бениҳоя мамнунман. Сизнинг халқ таълимидаги хизматларингиз чексиз эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Буни сиз раҳбарлик қилган мактабнинг "Йил мактаби" республика кўрик-танловида совринли ўринларни олгани, сизнинг тажрибангиз республика бўйича оммалаштирилганлиги, ана шу хизматларингиз учун қатор орден ва "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига сазовор бўлганлигингиз ҳам тасдиқлаб турибди.

Сиз 1995 йилдан бери Жиззах давлат педагогика институти қошида ташкил этилган иқтидорли болалар лицейига раҳбарлик қилиб келаяпсиз. Тўғриси, Мустақиллик шарофати билан ташкил этилган иқтидорли болалар лицейига раҳбарлик қилиш жараёнида сизнинг халқ таълимини ривожлантириш борасидаги имкониятларингиз нақадар чексиз эканлиги рўйи рост намоён бўлди. Буни мана шу қисқа вақт ичида қўлга киритилган ютуқлардан билса бўлади. "Ўзбекистон ифтихори", бокс бўйича оғир вазндаги жаҳон чемпиони Лазизбек Зокиров шу билим даргоҳининг фахри. Сиз раҳбарлик қилаётган мактабдан 3 нафар шогирдингиз Зулфия номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлиши — сизнинг меҳнатингиз самараси, деб биламан. Ҳозирги кунда турли соҳада меҳнат қилаётган тиббиёт фанлари докторлари — Фарҳод Назиров, Каромат Сиддиқова ва бошқалар сизни меҳрибон устоз, деб эътироф этишади. Шулар сафида мен ҳам сизни устоз деб аташга маънавий жиҳатдан тамомила ҳақли эканлигимдан фахрланаман. Қолаверса, Сизнинг — Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокировнинг шогирди эканимдан ғурурланаман ҳам. Менинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишим — сизнинг ўгитларингиз маҳсули, деб биламан. Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт олийгоҳида таҳсил олаётганман, талабалик бахтига ҳам сиз туфайли эришдим, деб ҳисоблайман. Сизга айтар сўзим шу: бахтимизга соғ бўлинг устоз, мустақил юртимиз учун муносиб шогирдлар тайёрлашда асло ҳорманг!

Гулрўх МУХТОРОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, иқтидорли болалар лицейи собиқ ўқувчиси

ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА МЕҲНАТ МУЖАССАМ...

Seminar

Навоий вилоятида 2 та академик лицей, 15 та касб-ҳунар коллежи, 5 та ҳунар билим юрти, 4 та техникум мавжуд бўлиб, уларда 17769 нафар йигит-қиз таълим олиш баробарида касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Уларнинг мукаммал билим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишишлари 969 нафар педагог, муҳандис-педагогларнинг бугунги заҳматли меҳнатлари, фидойиликларига боғлиқ...

Янги ўқув йили бошланиши арафасида "Умумтаълим фанлар ва барча ихтисослик йўналишлари бўйича ўқув семинари" ана шу соҳа ходимларининг ўзаро ҳисоботи, фикрлашув, тажрибаларни ўртоқлашиш руҳида ўтгани билан аҳамиятли бўлди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан тўпланган семинар қатнашчиларини вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Холиқулов қутлаб, шарафли ишларига барака тилади. Шундан сўнг йиғилганлар вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Б.Собировнинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" 2-сифат босқичи вазифаларининг 2002-2003 ўқув йили давомида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларида бажарилиши ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик тўғрисида"ги маърузасини тинглаб, мулоқот ва муҳокамалар жараёнида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Анжуманга ташриф буюрган вилоят фан ва таълим ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳ.Фахритдинов, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг кадрлар тайёрлаш бўйича бўлим бошлиғи Л.Лошаковлар қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари учун замонавий касб эгаларини тайёрлаб бераётган устоз- мураббийларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иши шўъбаларда давом эттирилди.

Шу куни ўтказилган ўқув юртларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳамда педагог ходимлар томонидан яратилган илмий- услубий қўлланма, маъруза матнлари, дидактик ҳамда кўргазмали материаллар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Энг иқтидорли мутахассис" кўрик-танловига тақдим этилган кашфиётчилик, ижрочилик намуналари кўргазмаси ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ma'rifat" газетаси билан ҳамкорликда ўқитувчилар ва мураббийлар ҳаёти, уларнинг шарафли меҳнат фаолияти, ютуқлари, иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик жанрлардаги энг яхши асарлар танловини эълон қилади.

1 та 1-ўрин — 75000 сўм
2 та 2-ўрин — 50000 сўмдан
3 та 3-ўрин — 25000 сўмдан

Танловга тақдим этиладиган асарлар "Ma'rifat" газетасида «Elda aziz» рукни остида эълон қилиб борилади. Уларнинг ҳажми 8 бетдан ошмаслиги ҳамда 2003 йил 25 сентябргача газета таҳририятига топширилиши керак. Голиблар 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, умумхалқ байрами арафасида ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади ва тақдирланади.

Манзилимиз:
700083, Тошкент ш.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Қўшимча маълумотлар учун телефон: 133—37—38

Malaka oshirish

МАСОФАДАН ЎҚИТИШ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Фан ва техника жадал ривожланаётган, турли ахборотлар оқими кучайган бир пайтда замон билан ҳамоҳанг бўлиш — ўқитувчидан ўз устида қунт билан ишлаш, изланишни тақозо этади. Ўз билим ва малакасини давр талаби даражасида бойитмаган ўқитувчи ҳаётдан ортда қолиши аниқ. Табиийки, бундай ўқитувчиларнинг иш фаолияти, дарс ўтиши ўқувчиларни қаноатлантирмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланган.

Бу борада Жиззах вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кенг қамровли ишлар олиб борилаяпти. Айни пайтда институтда 6 та кафедра, 4 та бўлим мавжуд. Уларда 42 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 15 нафари илмий даражага эга. Доимий ҳаракатда бўлган курсларда 10 ой мобайнида 3,5-4 минг нафар педагог ва тарбиячилар малака оширмоқдалар.

Мавжуд кафедраларда педагогларга замон талаби даражасида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етарли билим бериш учун барча шароит мавжуд. Миллий истиқлол ғояси, ахборот технологияси бўйича педагогларга янги йўналиш ва кўникмалар беришга эътибор оширилган. Бу соҳада катта ҳаётий тажриба ва билимга эга бўлган мутахассислар олиб бораётган дарс ва машғулотлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганиш, МТМ ва мактабдан ташқари таълим ходимлари учун доимий ҳаракатдаги семинарлар ташкил этилган.

Институтдаги барча ишлар давлат талаблари асосида ташкил этилган. Ярли барча фанлар бўйича 1 соатлик дарс ишланмалари яратилган. Улар давлат таълим стандартларига тўла жавоб беради. Мактабларда ўқитувчиларнинг фанлар бўйича эгаллаши лозим бўлган минимал талаблар (ДТС) бўйича ўқув-методик қўлланмалар тайёрланган. Ана шу ўқув қўлланмалари вилоятдаги барча мактабларга етказиб берилган.

Институтда амалий машғулотларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда вилоятдаги энг тажрибали ўқитувчиларнинг дарсини кузатиш анъанага айланган. Бунда асосий эътибор ўқитувчининг болалар билан ишлашдаги илғор тажрибасига, билимига, ноанъанавий машғулотлар ўтказишдаги маҳоратига қаратилади. Бундай машғулотлар ёш ўқитувчилар учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтишига шубҳа йўқ. Яқинда институт жамоасининг ташаббуси билан "Мактабда психологик хизматни такомиллаштириш омиллари" мавзусида республика миқёсида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференция мақолалари алоҳида китобча шаклида нашр қилинди. Шу йилнинг ўзида 14 та фандан ана шундай методик қўлланма-тобчалар тайёрланди.

— Вилоятимизда 22 минг нафар педагог бор, — дейди педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти директори, филология фанлари номзоди Шукрулла Мардонов. — Уларга қулайлик яратиш мақсадида масофадан туриб ўқитишни жорий қилмоқчимиз. Яқин кунларда 5 та туманда ана шундай хизмат йўлга қўйилади. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Бахмалдаги 1-мактаб, Ғаллаоролдаги 42-мактаб, Зомин ва Дўстликдаги 1-мактаблар, Форишдаги 33-мактабларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Келгусида узоқ қишлоқлардаги педагоглар бевосита ўз туманларида туриб малака ошириш имкониятига эга бўладилар.

Институт жамоаси "Обод маҳалла йили" муносабати билан атрофни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга катта эътибор бераяпти. Институт ҳовлисида ташкил этилган ёнғоқзор, ўрикзор, нок, хурмо, анжир, беҳи, бодомзорлар киши ҳавасини келтиради. Бу боғларда малака оширишга келган педагоглар бўш пайтларида яйраб дам олмоқдалар.

Бугунги ёш авлоднинг эртага қандай инсон бўлиб шаклланиши кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Шу маънода ўқувчининг тақдири ўқитувчининг қўлида, десак адашмаймиз. Демак, ўқувчи тақдирига бефарқ бўлмаган устоз ва мураббийлар ҳамиша янгилик яратиш йўлида изланади, ўз малакасини оширади. Бунинг учун малака ошириш институтлари педагогларга энг сўнгги фан ва техника янгиликларини етказишга шай туриши керак. Ўз навбатида малака ошириш институтида ишлаётган устозлар ҳам замон талаби даражасида билим ва малакага эга бўлиши даркор. Шунинг учун ҳам институтда қатор илмий ишлар олиб борилаяпти. 4 нафар фан номзоди докторлик, 8 нафар ўқитувчи фан номзодлиги учун илмий изланиш олиб бораётганлиги фикримиз далилидир. Бир сўз билан айтганда, изланиш ўқитувчига хос хислат. Ана шундай ўқитувчиларгина "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этишда ўзларига билдирилган ишонч ва масъулиятни оқлашга қодирлар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

"ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕСГАН" ЙИГИТЛАР

Bugunning yoshlari

I

... У ўзининг тартиб ва код рақами тўғрисидаги 185 баллик натижани кўрдию ҳаяжондан юраги "дук-дук" уриб кетди. Кўзларига ишонмасди, бўғзига нимадир тиқилди, йиғи шекилли. Бу — қувончдан. Киши фақат ғамкулфатда эмас, балки суюнганда ҳам йиғлайди.

Қаҳрамон осиғлиқ рўйхатнинг олдидан жилолмасди. Шоир ва ҳофиз куйлаганидек, "ўшал кун келди", аммо биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчисида ҳам эмас, еттинчи гал интилишининг "меваси" эди бу. Ҳар гал тест синовларидан ўтолмас, тушкунлик уни ўз гирдобига олар, наҳотки бошқалар кирган институтда менинг ҳам ўқишга ҳаққим бўлмаса, деган савол вужудвужудини қийнарди.

"Йўқ, мен айнан шу институтга киришим керак. Нима учун қўл силтаб бошқа институтга ҳужжат топширар эканман?". Ҳеч ким уни бу ниятидан қайтара олмади: на яқинлари, на дўст-биродарлари. Қайсарлик қилиб ҳар йили Тошкент давлат юридик институтига ҳужжат топшираверди. Қабул ҳайъатидагиларга отнинг қашқасидек таниш ҳам бўлиб қолди.

Ҳар ким ўз орзусига ўзига маъқул йўл билан эришади. Аммо, ўз ҳаракати билан ниятига эришган кишининг қувончидан-да ширинроқ туйғу бормикан?!

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги 54-ўрта мактабни 1997 йилда тугатган Қаҳрамон Маматқулов, ниҳоят етти йиллик уринишдан сўнг тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабалик бахтига эришди. У энди 2-ҳуқуқ факультетида таълим ола бошлайди.

"Сабр таги сариқ олтин".

У ўз ҳиссиётларини доно халқимизнинг ана шу мақоли орқали лўндагина ифодалади.

II

Бу институтга кираман, деб хомтама бўлма. Ўринлар аллақачон банд этилган. Ё заринг, ё зўринг бўлсин, шундагина юридик институти талабаси бўлишинг мумкин.

Унга таниш-билишлари ҳар гал шундай деб уқдиришарди. Йигит ҳар гал "йиқилар", шунда ҳалиги гаплар рост шекилли, деган фикрга ҳам борар, аммо "Чиқмаган жондан умид" деганларидек, қолаверса шу институтга деҳқоннинг, сувчининг боласи ҳам ўз билими билан кириб ўқиётганлигини кўриб келаси йилга илинж боғларди. Илинж ҳам яхши нарса экан. Ҳеч ким уни қалбингдан юлқиб ташлай олмайди. У милтиллаган шуъла каби юрагингга жойлашиб олиб, сени ҳаракатга, интилишга ундайверар экан.

... Бугун эса Фазлиддин Отаев деган бу йигит юрагидаги ўша илинжнинг ижобатига ошинодир. Фазлиддин ҳам еттинчи бор уриниб, янги 2003—2004 ўқув йилини Тошкент давлат юридик институтининг 3-ҳуқуқ факультетида бошлади.

Ўзига ишонган, аввало, ўз тақдирига ўзининг масъуллигини ҳис этган бундай ёшларнинг Ўзбекистон тараққиёти учун ҳам кўп ва хўп хизмат қилишига ишонасан, киши.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Aks-sado

МАЪРУЗА КЕРАК, БИРОҚ...

Маъруза! Ушбу сўзни эшитган ҳар бир талаба тасаввурида катта бир аудитория, камида 50-60 тингловчи ва, албатта, битта нотиқ, маърузачи намоён бўлади. Бизга маълумки, барча олий ўқув юртларида машғулотларнинг назарий қисми маъруза тарзида олиб борилади. Бундай дарс ўтиш шакли тажрибали ўқитувчилар, доцент ҳамда профессорларга юклатилганки, бундан талабага ўз соҳаси бўйича етарли билим бериш мақсад қилиб қўйилган. Бу усул талабаларга катта имкониятлар яратади, яъни улар ўзларига керакли билимларни устоз-мураббийлардан истаганча талаб қилишлари, қизиқтирган саволларга етарли даражада аниқ ва лўнда жавоб олишлари мумкин. Шунингдек, олий ўқув юртларининг бошқа таълим муассасаларидан фарқланадиган асосий жиҳати ҳам машғулотларнинг назарий қисми маъруза тарзида олиб борилишидадир.

Бакалавриат таълим йўналишларининг намунавий ўқув режалари бўйича маърузаларнинг фанлар ҳажмидаги миқдорини кўриб чиқиб, таълимнинг "Чет тили", "Хорижий тил ва адабиёти" йўналишларидаги соатларнинг умумий ҳажми ва шундан маърузаларга ажратилган соатларни бир-бирига таққосладик. Шунга кўра, таълимнинг чет тили йўналиши бўйича тўрт йиллик соатларнинг умумий ҳажми 5068 соатни, шундан маърузалар учун ажратилган соатлар 1372 ни, яъни 27 фоизни ташкил қилар экан. Таълимнинг хорижий тил ва адабиёти йўналиши бўйича эса тўрт йиллик соатларнинг умумий ҳажми 4896 соатни, маърузаларга ажратилган соат 1545 ни, яъни 31 фоизни ташкил қилади. Демак, олий ўқув юртларида олиб борилаётган маърузаларнинг ҳажми ортиб бораётган экан, улардан кўзланган мақсадга эришиш учун таълим олувчи ҳам таълим берувчи ҳам бу масалага жиддий ёндашмоғи лозим.

Аудитория олдидан ўтар эканмиз, баъзан талабаларнинг бақир-чақириғию кулишлари эшитилиб турганлигига, баъзан эса аксинча, сув қуйгандек жим-жит, нигоҳларини фақат нотиққа қадаб, уни жон қулоғи билан тинглаётганликларига амин бўламиз. Ваҳоланки, бу икки ҳолатнинг кузатилиши нотиқнинг ўз соҳасини қай даражада билишига, маърузаларнинг қай йўсинда олиб борилишига, талабаларга нисбатан муносабати ва муомала кўламига, шунингдек, педагогик маҳорати, қобилияти ва малакасига боғлиқ. Шу ўринда маърузанинг қай тарзда ўқилишига ва таълимнинг назарий қисмида уларнинг ўрни ва аҳамиятига нисбатан ўз фикримизни билдирмоқчимиз.

"Маърифат" газетасининг 2003 йил 19 февралдаги сонида педагогика фанлари доктори, профессор, ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институти кафедраси мудири Н.Сайдаҳмедов "Технологик ёндашув устуворлиги" сарлавҳали мақоласида, олий мактаб ўқитиш тизимида маърузанинг ўрнини алоҳида эътироф этади ва шу билан биргаликда унинг қатор камчиликлардан холи эмаслигини ҳам уқтиради. Мақоладаги "Маъруза мустақил фикрлашни бўғади, мустақил шуғулланишга мойилликни йўқотади"; "маъруза дарсликлар йўқ ёки кам ҳоллардагина керак", "энг асосийси, ўқитишнинг анъанавий шаклида эркин шахсни шакллантириш жараёни суст боради, мустақил фикрлайдиган ва келажакда эркин фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлаш каби давлат буюртмасини амалга ошириш қийинлашади", каби фикрлар замирида асосий мақсад эркин шахсни шакллантириш эканлигига урғу сезилади. Сир эмаски, олий таълим тизимида қўлланиладиган дарсликларнинг (айниқса инглиз тили) деярли кўп қисми рус тилида. Бу тилни мукаммал билмаган талаба, шу тилда ёзилган дарсликлардан фойдалана олмайди ёки икки баробар кўп меҳнат сарф қилишига тўғри келади. Бу ҳол эса билим олишни анча мураккаблаштириб юборади.

Иккинчи масала, қандай ўқитиш керак ёки маърузаларни қай тарзда олиб бориш керак, деган саволга тўлақонли жавоб топишимиз керакки, бундан нотиқ ҳам, тингловчилар ҳам қониқиш ҳосил қилиши лозим.

Шуларни инобатга олган ҳолда, машғулотларнинг назарий қисмини ташкил қилган маърузаларни олиб боришнинг бир қанча усуллари амалда қўлланилмоқда. Жумладан, бутун маъруза давомида фақат талабалар гапириб, маърузачи тингловчи-кузатувчи сифатида қатнашишини олайлик. Бунга кўра, нотиқ талабаларга кейинги дарс мавзуси юзасидан саволлар ва таянч сўзларни бериб қўяди. Бизга маълумки, мактабда ўтиладиган фанлар ҳажми, олий таълим тизимида ўқитиладиган фанлар кўламидан анча жўн. Шундай экан, талабалар учун мутлақо бегона саналган савол ва таянч сўзларга қандай қилиб жавоб топсин?!

Мабодо, уларнинг қўлларида фойдаланиш учун адабиётлар бўлиб, маърузачи томонидан берилган саволларга жавоб топсалар-да, бу уларнинг мавзу бўйича етарли билим ва тасаввурга эга бўлди, дегани эмас. Ваҳоланки, маърузачи ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида талабаларни янги мавзу билан таништириб, мақсад ва вазифаларни тушунтирган ҳолда, уларнинг бу фанга нисбатан қизиқишларини уйғотиши лозим. Қолаверса, нотиқ ҳар бир мавзуни чуқур таҳлиллар, ҳаётий мисоллар ва кўп йиллик малакасига таянган ҳолда тингловчилар онгига чуқурроқ сингдиради. Қачонки, бу мавзу ҳақида тушунчалар пайдо бўлиб, қизиқишлари уйғонгандагина, талабаларни ҳамфикрликка ундаш, ўз қарашлари ва мулоҳазаларини баён этишга имкон бериш, қолаверса, маърузани баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида олиб борган маъқул бўлади. Бундай тизим талабаларни фаолликка, кўпроқ изланишга ундайди, уларни аудиторияда мажбурий ушлаб ўтириш ҳолларининг ҳам олдини олади. Аммо, бу усул ҳам кутган даражада ўзини оқлолмаслиги мумкин. Баъзи талабалар баҳо олиш илинжида тушуниб-тушунмасдан ва ҳаттоки юзаки, бир нуқтадан иккинчи нуқтагача ёдлаб келиш билан банд бўладилар ва маъруза жараёнида "фаол" иштирок этаётгандек кўринадилар. Бундай пайтда баҳоланиш эмас, балки билим олиш ва билим бериш асосий мезон бўлиши шарт.

Маъруза! Қадим замонлардан буён ўзининг мустаҳкам ўрни, мақсади ва таъсир кучига эга бўлган тушунча. Ҳозирга келиб "Маъруза керакми, керак эмасми?" деган масалани муҳокама қилишдан кўра, маърузанинг мазмундорлигини таъминлаш ва таъсир кучини тиклаш ҳақида фикр юритиш мақсадга яқин бўлар эди.

Машрабхон ОРТИҚОВА,
Андижон давлат тиллар педагогика институти инглиз филологияси факультети 307-гуруҳ талабаси

ЧИЗМАЧИЛИК ҲАМ МУҲИМ ФАН

Tavsiya

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига график савод ўргатишнинг энг асосий мақсади чизмаларни ҳаётда қўллай билиш, меҳнат жараёнининг маданиятини таъминлашдан иборатдир. Бироқ 80-йилларда меҳнат предметини чизмачилик билан интеграциялаш баҳонаси остида чизмачилик ўқув предмети ёрдамчи мактаб ўқув режасидан чиқариб ташланганди.

Бир томондан қараганда ўқув предметларини интеграциялаш прогрессив ғоядек кўринади. Аслини олганда эса меҳнат предмети таркибига чизмачилик элементлари киритилмай, уни ўқув режасидан чиқариб ташлаб, ишлаб чиқариш жараёнида бўшлиқ пайдо қилинган. Интегратив мазмун бўйича меҳнат таълимидан сабоқ берувчи ўқитувчи бир вақтнинг ўзида чизмачилик ўқитувчиси ҳам бўлиши, бундай билим ва малакаларни олий ўқув юртларида эгаллаши зарур эди. Бироқ, меҳнат ва чизмачилик ўқув предметлари мазмуни ва тизимининг интеграциялаштирилмагани ҳар иккала фаннинг таълимдаги узвийлик ва кетма-кетлигига путур етказди.

Бу ҳол ўқувчиларнинг меҳнат маданияти пасайишига олиб келди. Бинобарин, меҳнат туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Моддий ва маънавий неъматларни чизмаларсиз яратиб бўлмайди.

Меҳнат маданияти деганда буюмни ясаш учун хомашё тайёрлаш, ўлчаш, режалаш, уни ясаш ҳамда маҳсулотни чизмалар ёрдамида назорат қилишни тушуниш мумкин.

Шунинг учун 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб ёрдамчи мактаб ўқув режасига 7-9-синфларда чизмачилик предмети киритилди.

Ёрдамчи мактаб чизмачилик курси умумий ўрта мактаб чизмачилигидан ўқув материалини кўргазмали, образли усулда баён этиш билан фарқ қилади. Чунки ақли заиф ўқувчилар кўргазмали-образли тафаккурлашга муҳтождирлар. Шу боис ҳар қандай объектни (буюм) ясашда унинг чизмаси билан бирга унинг яққол тасвирлари (техник расмлари) берилади.

Чизмалар тузишнинг назарий жиҳатлари кўпроқ ўқув машқларини бажариш ва ишлаб чиқариш чизмаларини намойиш қилиш орқали олиб борилади.

Ҳозирги асосий вазифалардан бири ёрдамчи мактаб учун чизмачилик ўқитишнинг концепцияси, Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Қуйида мазкур ўқув йилида ёрдамчи мактабларнинг 7-синф бўйича ўрганиладиган чизмачилик таълимининг мазмуни ҳавола қилинмоқда.

Илова.

	Мавзу	Соат
	I. ГЕОМЕТРИК ЧИЗМАЧИЛИК	
	Кириш. Иш жойини ташкил қилиш. Керакли асбобларни ишга тайёрлаш. Қаламни ишга тайёрлаш. Циркулни ишга тайёрлаш. Керакли асбобларни ишлатиш ва сақлаш. Иш вақтида тўғри ўтириш.	2
	Керакли асбоблар билан ишлаш услублари. Қалам, чизғич ва учбурчак билан ишлаш. Иш вақтида қўллар ва қаламнинг вазияти. Параллел чизиқлар чизиш. Ўзаро перпендикуляр ва қия чизиқлар чизиш.	3
	Циркул билан ишлаш. Айланани 3,4,5,6,8,10,12 бўлакларга бўлиш ва ички чизилган мунтазам кўпбурчаклар ясаш. Тўғри чизиқни тенг бўлакларга бўлиш. Текис шакллар ясаш.	4
	Тўғри тўртбурчак ва квадрат ясаш. Учбурчак ясаш. Икки учбурчак ($45x45x90^0$ ва $30x90x60^0$) ёрдамида турли бурчаклар ясаш. Айланани тенг бўлакларга бўлишга доир машқлар бажариш.	4
	Қиялик ва конуслик. Шрифтлар.	2 2
	II. ЧИЗМАНИ ТАХТ ҚИЛИШ	
	Чизмаларнинг форматлари. Чизма ҳошияси, бурчак штампи.	2
	Чизмага ўлчамлар қўйиш ва чизма масштаблари.	2
	Чизмага ўлчамлар қўйишга доир машқлар бажариш.	2
	Чизманинг чизиқлари. Чизманинг чизиқларини ўз ичига олган машқлар бажариш.	2
	III. ПРОЕКЦИОН ЧИЗМАЧИЛИК	
	Текисликка проекциялаш тўғрисида умумий тушунчалар. Нарсани иккита текисликка проекциялаш ва унга оид амалий машқлар бажариш	2
	Нарсани учта текисликка проекциялаш ва унга оид машқлар бажариш.	2
	Нарсаларнинг аксонометрия ва техник расмларини ясаш.	3
	Чизмаларни ўқиш.	2
	Жами	34

А.УМРОНХЎЖАЕВ,
профессор, Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходими,
Ф.МУЗАФФАРОВА,
Республика таълим маркази махсус таълим бўлими раҳбари ўринбосари

Zamonaviy texnologiyalar

ЧИЗМА ТАХТАДАН ЭКРАН АФЗАЛ

Маълумки, чизмачилик, геометрия фанларидаги деярли барча мавзулар ўқувчи ёки талабанинг бирор чизма чизиш учун тахта устига қоғоз қўйиб, бош қотиришини тақозо этади. Бу эса анчагина вақт ўғирлайди. Ҳозирги шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари дисплей экранида график тасвирлар чиқариш имкониятига эга. Нуқта, тўғри чизиқ, тўртбурчак ва бошқа шаклларни экранга чиқариш учун уларнинг экранда жойлашган ўрнини аниқ белгилаш имконига эга бўлиш керак. Фараз қилайлик, катак графаларга бўлинган бир варақ қоғозни дисплей экрани устига шундай қўямизки, бунда ҳар бир катакка экрандаги маълум нуқта тўғри келиши лозим. Катак қоғоздаги ҳар бир сатр ва устунларни рақамланган бўлакларга бўламиз. Унда ҳар бир катакни тегишлича сатр ва устуннинг рақами билан белгилаш мумкин. Бу рақамлар катак координаталари дейилади. Координаталар маълум тартибда олинган нуқтанинг фазодаги вазиятини характерлайдиган сонлардир. Нуқтани график дисплей экранида белгилаш усули қуйидагидан иборат бўлади. Бунда ўртаси сийрак график тартибидаги устунлар чапдан охирги координата 0 дан бошланиб, ўнгдан охирги координата 319 рақам билан белгиланади. Энг юқори сатр 0, энг пастки сатр эса 199 рақами билан боғлиқ.

Дисплей экранида чизма чизиш учун график тилларда (Бейсик, Паскал, Фортран ва ҳоказо) дастур тузиш керак. Дисплей икки хил тартибда ишлайди: текис ва график. Бейсик тилидаги матн PRINT фармойиши билан чиқарилади. Матн тартибидан график тартибга ўтиш "SCREEN" фармойиши ёрдамида бажарилади.

Дисплей экранида учта алоҳида нуқтани ажратиш мумкин. Булар олдинги пландаги асосий ранг(фон) ва ҳошия(окантофка), олдинги пландаги матн маълумот билан график тасвирининг экранда асосий ранг устига жойлашган нуқтасидир.

Асосий ранг(фон) — экранга чиқариладиган маълумотларни кўрсатади. Уни шахсий компьютер ишга туширилганда, дарҳол кўриш мумкин. Ҳошия асосий ранг атрофини ўраб олган бўлади. Ҳошиянинг ранги фоннинг рангида бўлгани учун уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Тасвирни дисплей экранига сиғдириш учун ҳошиянинг ўнг ёки чап томонига "DOS ШЭХМ"нинг "MODE" фармойиши ёрдамида суриш мумкин. Экранда рангли чизма чизиш учун "COLOR" фармойишидан фойдаланилади. Бу фармойиш экранга чиқарилаётган матнга, фонга, тасвирга, ҳошияга ҳар хил ранг бериши мумкин. Ҳар бир рангдаги нозиклик "ШЭХМ"нинг маркаси, модели ва унинг созланишига боғлиқдир.

Ҳар қандай чизмага дастур тузиб, уни экранда чизиш мумкин, лекин бу жараён кўп вақтни талаб қилади. Бунда чизмага ўзгартириш киритиш ва уни таҳлил қилиш анча мураккаб. Дисплей экранига чизма чизиш ва уни таҳлил қилиш учун амалий дастурлар тўплами мавжуд. Бу дастурлар аввалдан геометрик элементларни экранда чизиш учун компьютер тилида тузилган ва тўплам ҳолига келтирилган. Компьютер экранидаги "Меню"-дан керакли элементни чақириб, унга маълум параметрни бериб, хоҳланган жойга чизма чизиш мумкин. Бу дастурга AUTOCAD, COREL DRAF ва бошқалар киради. Амалий дастурлар тўплами ёрдамида дисплей экранидан фойдаланиб, "Чизма геометрия ва чизмачилик" фани масалаларини ечиш мумкин. Бу фан бўйича талабалар ўзларини уй график вазифаларини чизма тахтасидан фойдаланмасдан дисплей экранида чизиб ечишлари мумкин. Талабаларнинг бу фандан уй график вазифаларини компьютерда бажарган намуналари асосида кўргазма ташкил қилинган. Компьютер ёрдамида икки сатрнинг кесишиш чизиғини аниқлаш мумкин. Бунинг учун экранда менюдан керакли сирт чиқариб, уларнинг кесишиш ҳолатларида чизмаси чизилади ва маълум фармойиш берилганда, сиртларнинг ўзаро кесишиши тасвирда яққол кўринади. Бунда кўринмайдиган чизиқларни акс эттирмаслик мумкин. Компьютер ёрдамида биз ўзаро кесишган чизиқларни бир-биридан ажратиб, икки сатрнинг кесишиши натижасида учинчи сиртнинг ҳосил бўлишини кўрамиз. Бундан ташқари, сиртларнинг қандай қисми кесишишда қатнашганлигини ҳам кўриш мумкин. Бунда сирт фақат компьютер дисплей экранидагина кўринади. Чизма тахтасида кесишган сиртларни бир-биридан ажратиб ҳосил бўлган учинчи сиртни кўриш ёки чизиш анча мушкул.

Техника университетида талабалар ўзларининг уй график вазифаларини, курс ва диплом ишларини компьютерда бажармоқдалар. Бу бажарилаётган вазифа сифатини оширади ва вақтни тежайди. Умуман, чизмачилик тахтасида фойдаланишдан кўра дисплей экрани қулай. Бунда ҳам вақт тежалади, ҳам талабанинг бажарган иши сифатли бўлади.

А. УМАРОВ,
ТДТУ ўқитувчиси

МУСТАҚИЛЛИК ЁШЛАР НИГОҲИДА

Davra suhbati

Пойтахтимиздаги Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицейда «Мустақилликнинг ўн икки йиллик ютуқлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда мазкур лицейда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар, ўқитувчилар жамоаси иштирок этишди. Қуйида ёшларимиз томонидан давра суҳбати давомида билдирилган айрим фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.

Нодир БАХТИЕВ:

— Истиқлолнинг ёруғ тонги Ватанимиз, хусусан, биз ёшларга жуда кўп имкониятларни туҳфа этди. Биз ўз сўзимиз, йўлимизга эга бўлдик. Эркин фикрлаш, ижодкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб, олдимизга аниқ мақсадлар қўйишга ва шу мақсадларни амалга оширишга ўргандик.

Айниқса, бизнинг илм-фан оламида баланд парвоз этишимиз учун барча дарвозалар очиб қўйилди. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган янги илм масканлари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ишга туширилганлиги бунга исбот бўла олади.

Моҳидил АБДУЛЛАЕВА:

— Буюк Истиқлол бизга диний қадриятларимизни қайтариб берди. Марказий Осиёда ягона Тошкент Ислом университети ва унинг қошида академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Яна бироз вақтдан сўнг биз шу лицейнинг илк қалдирғочлари бўламиз. Аҳамиятлиси, лицейимизда барча фанлардан чуқур билим бериш билан бирга ислом тарихи, ҳуқуқи ўргатилади.

Рустам РАСУЛБОЕВ:

— Инсон яратилибдики, комилликка интилиб яшайди. Халқлар вужудга келибдики, озодлик ва эркинликка талпинади. Ўзбек халқининг ҳам азалий орзуси Мустақиллик эди. Чунки, мустақиллик ила баркамоллик сари қадам қўйилмоқда. У ривожланиш учун очилган дарвозадир. Бунга ўн икки йилдан бери Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар мисол бўла олади. Ислоҳотларнинг барчаси халқимиз турмуш тарзини яхшилаш, мамлакат барқарорлиги мақсадида амалга оширилмоқда. Биз ёшлар эса, ана шу туб ислоҳотларни давом эттириб, буюк Истиқлолнинг абадий бўлиши йўлида ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Муҳаммад Шариф ОТАБОЕВ:

— Мустақиллик деганда биз, авваламбор, нимани тушунамиз? Бу сўзнинг замирида кўп маънолар ётибди. Мустақиллик — эркинлик, озодлик, халқнинг рўшноликка чиқиши демакдир. Мустақиллик буюклик сари яратилган имкониятдир. Бу имкониятни қўлдан чиқармасдан ҳаракат қилишимиз керак. Тўғри, айни кунда муаммолар, ечимини кутаётган долзарб масалалар кўп. Аммо, Америка Қўшма Штатлари 200 йилда, бошқа давлатлар бир неча юз йиллар давомида эришган натижаларни ўн икки йилда кутиш, талаб қилиш ноўрин. Ваҳоланки, мана шу ўн икки йилда асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди.

Нодира ЯМИНОВА:

— Мустақиллик йилларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари яшин тезлигида олиб борилмоқда. Пойтахтимизда сўнгги пайтда қад ростлаган Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Миллий академик драма театри, Олий Мажлис бинолари, элчихоналар, қўшма корхоналар, замонавий банкларнинг салобатини кўриб, дилингиз қувнайди.

Ўзбек халқи ҳозирда жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари билан чиқмоқда. Қадимий Буюк Ипак Йўли қайта тикланиш жараёнида. Буларнинг барчаси мустақил давлатимизнинг дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши борасидаги саъй-ҳаракатларидир.

Давра суҳбати жуда жонли ўтди. Ҳар бир ўқувчи ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишга шошарди. Суҳбат давомида билдирилган фикрлар, ўқувчи-ёшларнинг дунёқарашлари, улар нигоҳидаги ўзгаришларнинг таҳлилини кузатар эканмиз, буларнинг барчаси Буюк Истиқлолимизнинг мевалари эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Биз бугун бошлаган улуғ ишларимизнинг эртанги давомчилари бор эканлигидан ғурурландик.

Жамила МИРЗАЕВА,
Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицейнинг тарих ўқитувчиси

Сиз кеча ёки ундан аввалроқ ўрганганларингизни тезда ёдингиздан чиқариб қўйишингиз мумкин. Лекин, боғчада ёки бошланғич синфда ўрганган шеъру топишмоқларингизни эслашга бир уриниб кўрингчи? Бунинг уддасидан чиқдингизми? Энди ана шу болалик ҳайрати олдида кичикликда ўрганган содда ва жўн тушунчаларнинг аҳамияти қай даражада эканлигини ҳис қилгандирсиз?! Ҳақиқатан ҳам бетиним болаликда олинган билимлар ва улар асосидаги орзуларнинг келгуси ҳаётдаги ўрни беқиёс.

Чироқчи туманидаги "Лола" номли МТМ тарбиячилари Камола Ҳақбердиева ва Нодира Муродовалар тарбияланувчиларнинг нутқи ва дунёқарашини ривожлантиришга, лойдан буюмлар ясаш орқали ҳунарли бўлишга ўргатмоқда.

Суратларни Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган

Darsliklardagi mavjud materialning hammasini sinfdagi barcha o'quvchidan birday talab qilib bo'lmaydi.

"Bu bola qanday bola bo'ldi o'zi? Maktabdan beri kelmasa, o'sha yoqda yotib ham qolaversa... Topganiniyam maktabga sarflab yuboraversa... Buning tengilar uylanib, bola-chaqalik ham bo'lib olishdi».

МАТЕМАТИКА ТАЪЛИМИДА УЗВИЙЛИК МУАММОСИ

Dolzarb mavzu

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи амалдаги дастур, дарсликларни талаб даражасига кўтариш, унинг сифатини ошириш, "дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар киритиш"га қаратилган. Шу боис мазкур йўналишда фан дастурларини, хусусан, математика таълими мазмунини ойдинлаштириш ва унинг асосий таянч тушунчалар ҳамда устувор ғояларини аниқ баён қилиш, бу курснинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, узвийлик — математика предметини ўрганишнинг турли босқичларида унинг курслари орасидаги зарурий боғланиш ва муносабатларни тўғри олишдан иборат. Бу муаммонинг дидактик асос ва психологик томонлари педагог-олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Математика ўқитишда узвийлик муаммоси деганда, дарсликлардаги мавзулараро узвийлик тушунилса, бу муаммога бир томонлама ёндашиш бўлади. Математика ўқитишдаги узвийлик муаммосини тўла ҳал этиш учун эса фанлараро, таълим турлари орасидаги, таълим мазмунини баён қилишда ўқитиш методикаси, технологиясидаги узвийликни ҳам таъминлаш муҳимдир.

Мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда уларда фанлараро ҳамда таълим турлари орасидаги узвийлик етарлича таъминланмаган.

Математика таълими умумий ўрта мактаб ва махсус ўрта таълим, хусусан, бошланғич синфларда арифметика, 5-6-синфларда асосан арифметика, шу билан бир қаторда алгебра, геометрия курсининг дастлабки тушунчалари, 7—9-синфларда алгебра ва геометриянинг систематик курси ҳамда юқори босқич, яъни академик лицей, касб-ҳунар коллежларида алгебра ва анализ асослари ҳамда геометрия курси ўқитилишини кўзда тутади. Шу мақсадда амалдаги дастурларни мувофиқлаштириш, таълим турлари орасидаги узвийликни таъминлаш учун узвийлашган фан дастурлари ишлаб чиқилди ва 2002—2003 ўқув йилида ушбу дастурлар тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Жорий йилнинг январь ойи бошларида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам тажриба-синов ишларининг ярим йиллик ўқув натижаларини кўриш, баҳолаш ва умумлаштирган ҳолда янги вазифаларни белгилашга қаратилди. Лекин бу ишлар муаммонинг бир томонинигина, яъни "вертикал" йўналишда таълим босқичлари орасидаги узвийликни таъминлашга қаратилганини айтиш жоиз.

Шу ўринда фанлараро узвийлик ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, VI синф физикасида 10 мингдан юқори даражали сонларни стандарт шаклида ёзиш, сонларни яхлитлаш каби тушунчаларга бўлган эҳтиёж улар математика дарсларида ҳали ўтилмасдан аввал пайдо бўлади, VIII синфда соннинг логарифмидан фойдаланилади, ҳолбуки, бу мавзу математикада анча кейин ўтилади. Геометрияда унга квадрат илдиз ва унинг хоссалари ўтилмасданоқ талаб бўлади... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Математиканинг узвийлиги бошқа табиий фанлар билан турли синфлар дастури доирасида ҳам тўлиқ эмас.

Иккинчи асосий масала, таълим босқичларидаги баён қилиш методларида узвийлик муаммосидир. Маълумки, I-IV синфларда математика курси индуктив баён қилинади. Бу курсда асосан кўргазмалилик, конкрет мисоллар орқали ўқувчиларнинг ҳисоблаш малакаларини шакллантириш, уларнинг миқдорлар, геометрик фигуралар ҳақида тушунча ҳосил қилишлари назарда тутилади. 5—6-синфларда таълим мазмунини баён этишда асосий метод кўргазмали — индуктив бўлиб, ўқув материалининг хусусиятига қараб, айрим мавзуларда фикрий-дедуктив услуб билан уйғунлашган ҳолда олиб борилади. Лекин, индукциядан дедукцияга ўсиб боришда меъёрни сақлаш зарур. Чунки, ушбу меъёрнинг бузилиши ва мавзуларни баён қилишда дедукциянинг кучайиб кетиши баъзан ўқувчиларнинг зўриқишига олиб келади.

Бошланғич таълимнинг 4-синф дарсликларини ўқитиш жараёнида дедуктив баён қилишга оҳиста ўтиб бориш, 5-6-синфларда эса уни аста-секин кучайтириш ва ўқувчиларни алгебра, геометриянинг систематик курсига тайёрлаб бориш зарур. Аммо 5—6-синф математика дарсликларида ҳам бу ҳол кузатилади, деган қарашлар мавжуд. Бироқ, буни инкор этмаган ҳолда дарсликка бошқача ёндашиш ҳам мумкин. Маълумки, 5 ва 6-синфларнинг ҳозир амал қилаётган ўқув қўлланмасида масалалар "А" ва "Б" тоифаларга бўлинган. "Б" гуруҳидаги машқлар иқтидорли, математикага қизиқувчан, унга мойиллиги бор ўқувчиларга мўлжалланган. Қўлланмаларнинг назарий қисми баёнида ҳам иқтидорли ўқувчилар учун қўшимча материал топилади. Масалан, 5-синфдаги: "Айлана ва доира", "Тўғри пропорционаллик", "Тескари пропорционаллик", "Масштаб", "ЭКУБни топишнинг Евклид алгоритми" мавзулари; 6-синфдаги "Даврий касрларнинг ажойиб хоссаси", учбурчакка оид, "Тақрибий ҳисоблашлар" каби мавзулар шулар жумласидандир.

Ўқувчиларга "Б" гуруҳга оид масала ва мавзуларни етказиш муаллимдан ўз устида ишлаш, дарсга пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шу билан бирга улар назарий маълумотлар орасида иқтидорли болаларга оид қисмлар, лавҳалар ҳам борлигини назарда тутишлари лозим. 5 ва 6-синфларнинг бу дарсликларидан ихтисослашган мактаблар синфларида бемалол фойдаланиш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, дарсликлардаги мавжуд материалнинг ҳаммасини синфдаги барча ўқувчидан бирдай талаб қилиб бўлмайди. Чунки, ўқувчиларга баъзи назарий маълумот ва машқлар оғирлик қилиши мумкин. Мавзунинг дедуктив мулоҳаза юритиш устувор бўлган жойларини улар ўзлаштиришга қийналадилар.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактаблари ҳамда ихтисослашган мактабларнинг дарсликлари алоҳида бўлиши лозим. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида математикадан ДТС ва дастурлари такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда дарсликларнинг янги авлодини яратаётган муаллифлар математика таълими мазмунида узвийликни таъминлаш учун қуйидагиларни ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз: узвийлик тамойилининг дедуктиканинг бошқа тамойиллари билан мутаносиблигини таъминлаш; дедуктив мулоҳаза юритиш кўламини босқичма-босқич ошириб бориш; кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган такрорлаш машқларини кўпайтириш.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,
доцент,
Шарофат ЮНУСОВА,
ЎзПФИТИ илмий ходими

Ҳозирги кунда етук билимли бўлиб етишиш учун, албатта, замонавий техникалар билан бир қаторда инглиз тилини ҳам билиш зарур. Болалар боғчасида, мактабда қунт билан инглиз тилини ўрганган ўқувчилар келажакда олий ўқув юртида ҳам, меҳнат фаолиятлари давомида ҳам қийинчиликсиз ушбу фанни ўзлаштириб борадилар.

Суратларда: Жиззах шаҳридаги 10-ўрта мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Марҳабо Ишмуродова ўқувчилари билан дарс пайтида.

Бурхон РИЗО олган суратлар.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Tajriba

Бир куни директор ўринбосари М.Бафоева дарсларга тўлиқ қатнашмаётган ўқувчилар ва тарбияси оғир вояга етмаганлар рўйхатини бериб, кўмак беришимни сўради. Уларнинг хонадонига маҳалла раиси билан бориб, оилавий аҳволини ўргандик. Ота-оналарига фарзандлари келажаги тўғрисида қайғуришлари зарурлигини уқтирдик. Бир ҳафтадан кейин мактабда бўлганимда ҳалиги ўқувчиларнинг синф раҳбари "Раҳмат сизга, ўқувчиларимни қайтардингиз", деди. Ўшандан бери ўтган вақт мобайнида болалар билан иноқлашиб, дўстлашиб, кунларнинг ўтганини ҳам билмай қоламан. Ҳар куни дарс тугаши билан ўқувчилар тушликдан кейин маҳалламиз биносига ошиқиб келишади. Таянч пункти биносида хоналар кўп. Шахмат-шашка ўйинлари ҳар куни бўлади. Билмаганларга эса ўргата бошладим. Лекин мен тўғри ҳаракат қиляпманми, йўқми, баъзида иккиланиб қоламан. Чунки мен спорт мутахассиси эмасман. Баъзан ўйланиб қоламан. Балки педагог-тарбиячи спортга алоқадор киши бўлмоғи керакдир? Балки туман спорт қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси бу борада ёрдам кўрсатмоғи зарурдир?. Фикрларимни жамлаб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими раиси С.Мухторовга хат билан мурожаат қилдим. Аммо кутилган натижа бўлмади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини ривожлантиришга доир» қарорига амалий жавоб бериш билан педагог-тарбиячи фаолияти тўғрисидаги Низом ижросини таъминлаш борасида маҳалла болалари ўртасида 2 та футбол жамоаси ташкил этилди. Карате, боксга қизиқувчилар эса бошқа секцияларга жалб этилди. Ишбилармон Зокир Бобомуродовнинг ҳиммати билан "Тинчлик" кўчасида футбол ўйингоҳи барпо этилди. Таниқли адиб С.Айний хотирасига бағишлаб С.Айний номидаги мактаб жамоаси ва бизнинг маҳалла йиғини ёшлар ўртасида эстафета ўтказди. 3500 метрли масофага 80 нафар ўқувчи-ёшлар югуришди. Ғолиблар Қизилтепа пахта заводи томонидан рағбатлантирилди. Шундай тадбирлардан кейин ёшларнинг маҳаллага ишончи ошди.

Шу кунларда маҳалламиз ёш футболчилари туманда биринчи ўринни олгач, вилоятда ўтадиган мусобақага тайёрланмоқда. Ўтаётган ҳар бир кун биздан ҳисоб сўрайди. Ёш авлод улғайиб бормоқда. Уларни Ватан учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда педагог-тарбиячининг ваколати юксакдир.

Фаттоҳ САТТОРОВ,
педагог-тарбиячи

ПОЕБОН БУРГУТ

Очерк

Elda aziz

Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича йўлга чиққан автобус елдек учиб бормоқда. Улуғбек ойнадан ташқарига қаради. Пойтахт ортда қолаётир. У бу йўлдан яқин-яқинларгача талаба сифатида қатнар, ташвишлари ҳам шунга яраша эди. Бугун-чи? Бугун у мактаб директори сифатида "Камолот" ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи йиғилишидан қайтмоқда. Бугун у Президентимизнинг оташин сўзларини жон қулоғи билан тинглади...

Автобус елиб бораётир. Ана, Чинознинг яланғоч далалари, боғ-роғлари. Юртнинг мафтункор бир гўшаси...

Улуғбек чуқур ҳаяжон ичида Юртбошимизнинг барча айтганларини илғаб ололдими? Нималар дейилганди ўзи? У эслашга уринарди. Ҳа, бир гал Президент кўпроқ мактаб қурган, боғ яратган инсонларни "юрт қаҳрамонлари" деб билишини айтди. Ёзувчиларга қарата: "Сиз асарларингизда замонамиз қаҳрамонларини кўрсатишга ҳаракат қилинг!", деди...

Ана, Сирдарё — сирли дарё. Ҳаётнинг ўзига, вақтга менгзармиз сени. Яна сен шу юртнинг қон томирисан. Ва яна сен бизни ҳамиша фаолроқ яшашга ундаб турасан...

Келинг, бир тасаввур қилайлик. Дейлик, агар бизнинг ёзувчи асарида замонамиз қаҳрамонини кўрсатмоқчи бўлса, бош образга Улуғбекнинг ҳам фаолиятидан бирор нарса олармиди? Олса бўлармикан? Унда яқин ўтмишни бир эслаб кўрсин-чи?..

Эсида, ТошДУни тугатгач, 1996 йил августида Ғаллаорол туманидаги она қишлоғи Ўгат мактабига ўқитувчи бўлиб ишга кирди. Дарслар мобайнида даставвал синфлардаги иқтидорли ўқувчилар унинг диққатини ўзига тортди. Аслида бу эски ҳақиқат — оддий мактабда ўқиш иқтидорли ўқувчи учун зерикарли, қониқиш кам, билимга ташналик кучли. Улуғбек бу тўғрида кўпчиликка ўхшаб ўзича куюниб, қуруқ гаплардан нарига ўтмай юришни ўзига эп кўрмади. Амалий фаолиятга ўтди. Қўйтош ҳудудида 7 мингдан зиёд аҳоли яшашини ҳисобга олиб, бу ерда ҳам академик лицей очиш мумкинлигини юқоридагиларнинг қулоғига қуйиб юрди. Олис туман марказига тинмай югурди. Охири туманда очилиши лозим бўлган тўртта лицей-интернатнинг биттасини Қўйтош ҳудудида ташкил этишга эриша олди. Барча ташкилий ишларда, ҳужжатларни тўғрилашда фаол иштирок этди. Ўзи ўша жойга ўтиб ишламасада, лицейнинг очилганидан беҳад шод эди...

Асли бошида Улуғбек ўша лицейда ишламоқчи эди. Лекин ишламади. Ҳалиги ёзувчи асари қаҳрамонини шакллантираётганида шундай нуқталарга кўпроқ эътибор берар, балки.

Кейин-чи? Ҳа-я, бу оддий ўқитувчидаги тиришқоқлик, ташкилотчилик қобилиятини илғаб қолишган экан кўпчилик. Кўп ўтмай уни Ўгатдаги 10-мактабга директор этиб тайинлашди. Ўша 1998 йилда 10-мактабга Улуғбек Авалбоевнинг — ёш йигитнинг директор этиб тайинланганига кимлар ҳавас қилган эдию, кимлар ҳасад? Бировни кўрсатиш қийин. Гап шундаки, 1997 йилда мактабнинг эски биноси бутунлай яроқсиз ҳолга келгач, шошилинч равишда мактаб ҳали қуриб битказилмай чала ташлаб кетилган янги бинога кўчиб ўтганди. Номигагина "янги". Иситиш системаси мавжуд бўлмаган 7 та совуқ, бетон синфларда ўқиб, қишни қандай ўтказганликларини шу тоғ қишлоғининг ўқувчиларию ўқитувчилари билади, холос. Ўтиш даврининг оғир иқтисодий танглигини бошидан кечираётган Қўйтош кони маъмуриятию аҳолиси қандай чора кўришни билмасди.

1999 йилнинг бошида Улуғбек малака ошириш учун пойтахтга борди. 16 февралдаги Тошкент фожеаси—кучли портлашлар миллионлар қатори Улуғбекнинг ҳам қалбини ларзага солди.

Анов ёзувчи қаҳрамони учун ашё тўплаш чоғида Улуғбекнинг ҳаётидаги ўша кунги аҳволга, унинг қарорига қандай муносабат билдирарди, ноаён, лекин ҳаётий ҳақиқат шу бўлдики, Улуғбек қишлоққа қайтса, янги мактаб қуради.

1 март куни, қишлоққа келган ўша куниёқ ўқитувчилар йиғилишини, эртасига эса ота-оналар йиғилишини ўтказди. Иккаласидаям битта масала қатъий қўйилди: чала мактабни битказиш, янги қўшимча мактаб биносини қуриш. Ҳар хил фикрлар билдирилди. Йиғилишлар натижасиз тарқади.

Кейин бир неча кун ичида ўзи лойиҳа яратиб, ўқитувчилар муҳокамасига қўйди. Ниҳоят, тамал тоши қўйилиши бошланди. Мактаб ўқитувчилари ёнига участка бошлиғи Илҳом Бегимқулов бир нечта ишчиси билан ёрдамга келди. Аввалги қурилишдан қолган блоклар ёрдамида биринчи қават — подвал-тамал қурилди.

Апрель ойида ўқитувчилар эски мактаб биносини бузишга ўтдилар. Ота-оналар ва ўқитувчилардан комиссия тузилди. Мақсад: яроқли ашёларни ажратиб олиш, янги мактабга ишлатиш. Ўқитувчилар ва ўқувчилар тер тўкиб ишладилар...

Автобус бир маромда олдинга интилмоқда. Ана Мирзачўл — обод қишлоқлар, унумдор далалар. Улуғбек бу жойлардан илгариям ўн марталаб ўтган. Лекин ҳеч вақт буларнинг қандай бунёд бўлганини ўйлаб кўрмаган экан. Қанча меҳнат сарфланганини тасаввурига сингдиролмаган. Ана энди ўйласа... Кимдир унгаям айтганди: "Ҳой бола, сен кўп чиранма!! Мактаб сенга товуқхона қурилиши эмас..."

Мактаб қурилишидан олдин катта тадбир ишлаб чиқилди. Энди ўқитувчилар ҳам қизишиб кетган, бошлаган ишларини охирига етказишмаса, эл олдида шарманда бўлишдан ҳайиқиб қолишган эди. Ҳар бир ўқитувчига иш юклатилди. Эски мактабни бузиш ишлари май ойида тугатилди. Ёзда одамларнинг уйларига кириб ёрдам сўралди. Улар кучи етганича ёғочдан ёрдам бердилар. Мактаб участкасидан 50 минг сўмга тераклар сотилди. Ороғоҳдан ҳам 170 минг сўмга терак сотилди. Ўқитувчилардан 30 минг сўм тушди. Жами 250 минг сўм пул билан иш бошланди. 4 сўмдан 25 минг дона ғишт қуйилди. Бинони кўтаришга 100 минг сўм сарфланди. 50 минг сўм цемент ва транспорт харажатларига кетди. Мактабнинг эски иккита биноси 300 минг сўмга сотилди. Бу пул харажат қилиниб, янги мактаб биносининг усти ёпилди, сувоқдан чиқарилди.

Қўйтош кони ва Савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ҳомий этиб тайинланган эдилар. Лекин, ночор аҳволда эди улар...

Шу мактаб қурилиш лавҳаларини ҳам кўрса, ҳалиги ёзувчи асари учун нимадир топармикан? Ғишт ташиётган ўқувчилар, девор ураётган ўқитувчилар, лой қораётган кўнгилли ҳамқишлоқлар, ўртада ўралашиб юрган кексалар... 7 хонали бетондан қилинган бино 21 хонали чиройли мактабга айланмоқда...

Қиш яқинлашарди. Бир куни туман ҳокими келаётган машина олдини бир йигит тўсиб чиқиб тўхтатди: Улуғбек ҳокимдан ҳомий ташкилотни қўзғаб, шифер олиб беришини сўради. Ҳомий ташкилот эски қўтон шиферини берди. Ноябрь ойининг охирида, қор-ёмғир ёғаётган пайтда мактаб устига шифер қоқилди... Иситиш системаси ишга туширилди. Сўнг мактабнинг мустаҳкамлиги, қанчалик талабга жавоб бера олишини текшириш учун мутахассислар чақиртирилди. Улар ижобий хулосага келишди ва яна бу ерда тахминан 30 миллион сўм атрофида иш бажарилганини эътироф этдилар.

Ўша пайтлари Улуғбекнинг қулоғига қандай гаплар чалинган эди-я? Ҳа, мана:

Бир киши: "Қўлидан ҳеч нарса келмайди, ҳовлиқаверади-да".

Яна бири: "Бунинг кўзига бир бало кўринганми, нима қилмоқчи ўзи?".

Бир кекса: "Ҳалоли бўлсин. Ақл ёшда эмас, бошда. Одамларни йўлини топиб ишлатиш, ҳар қайсисига ҳар хил муомала қилиш, бу бузуқ техникаларнинг шопирини кўндириб, кўнглига йўл топиб, ҳожатини чиқартириб олиш, шунча одамнинг келди-кетдисини, овқатини, керак бўлса ҳалиги "яримтасини" кўтаришнинг ўзи бўладими?".

Яна бир киши: "Мен ҳожатхона қуриб ололмаяпман".

Яна бири: "Бу тенгилар ялло қилиб юрибди. Ўзидан ортмайди. Қишлоқнинг фахри у".

Онаси: "Бу бола қандай бола бўлди ўзи? Мактабдан бери келмаса, ўша ёқда ётиб ҳам қолаверса... Топганиниям мактабга сарфлаб юбораверса... Бунинг тенгилар уйланиб, бола-чақалик ҳам бўлиб олишди. Мен қачон уйлантираман? Қачон уйим, рўзғорим дейди бу?.."

Автобус Ғаллаоролга яқинлашаяпти. Кечга томон Улуғбек ўзининг жонажон қишлоғига кириб боради. Эртасига мактабда йиғилиш. У мактаб ходимларига, қишлоқдошларига сафар таассуротларини сўзлаб беради, Президентдан эшитганларини уларга етказади...

2002 йил 20 август. Авалбоевлар хонадонида катта тантана. Қишлоқнинг каттаю кичиги шу ерда. Мактаб директори уйланяпти. Туман ХТБ ходимлари, барча мактаб директорлари ҳам шу ерда. Базм чоғида сўз олганлар ўзларининг дил сўзларини изҳор қилдилар. ХТБ ходими 10-мактаб раҳбарининг изланувчанлиги, мактабга ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, тераклар экканлиги, қуёнчилик фермаси ташкил этмоқчи бўлаётгани, мактабни замонавий компьютерлар билан жиҳозлаб, кадрлар салоҳиятини ошириш тўғрисида бош қотираётганини шу ерда ҳам эътироф этди.

Қишлоқнинг бир ҳаваскор шоири Улуғбекка атаб ёзган иккита янги шеърини ўқиб берди. Биринчи шеърида у Улуғбекни "Посбон бургут" деб атабди. Иккинчиси эса "Энди не бўлади..." деган ҳазил шеър экан:

Тўй муборак, жаноб
раҳбар, ҳовлингизда,
Ўйланяпсиз айни
етук даврингизда.
Гўзалларнинг гўзалидир
сизга йўлдош,
Порлаб турмиш
ёнингизда мисли қуёш.

Чин юракдан бахт
тилармиз ушбу фурсат,
Бироқ битта савол
қийнар бизни фақат,
Истамасмиз хира
қилмоқни таъбингиз,
Савол: энди не бўлади
мактабингиз?

Сир эмаски, ёшу қари —
барча билар
Яшардингиз шу
мактабда узоқ йиллар.
Тўшак бўлар эди баъзан
пол, парталар,
Устингизга кўрпа эди
хариталар.

Шу мактабни лойлар
қориб қургандингиз,
Ҳашарларда бошимизда
тургандингиз.
Тузардингиз янги-янги
режаларни,
Зериктириб узоқ-узоқ
кечаларни.

Уйдагилар ортингиздан
чопар эди,
Изласалар шу мактабдан
топар эди.
Идорада ичардингиз
чойингизни,
Лол қолдириб
бувингизни, ойингизни.

Мана, бу кун йўлингизга
тузоқ қўйдик,
Тўйлар қилиб, олти яшар
бузоқ сўйдик.
Энди Сизни келинпошша
асир этмиш,
Бизга эса яна ўша савол
етмиш.

Савол: энди не бўлади мактабингиз?..

Дарҳақиқат, ҳаваскор шоиримизнинг ҳазил шеърида бу саволнинг кўндаланг қўйилиши бежиз эмас. Ғаллаорол туман халқ таълими бўлими мудираси Зебо Қосимова айтадики: "Улуғбек жуда жонкуяр йигит. Ишни деб уйланишни ҳам ўйламапти. Уришиб-уришиб уйлантириб қўйдик. Мактабини жонидан ортиқ кўради у. Бундай ёниб ишлайдиган, фидойи ёшлар билан ишлаш мароқли."

Тошкентда портлаш оқибатлари тугатилди. Ўгат қишлоғида мактаб қурилди. Заҳматкаш ўзбек хонадонларида келин тўйлари ўтказилмоқда. Улуғбеклар таълим бераётган авлод вояга етаётир. Бу авлоддан умид катта. Умид шуки, ҳеч қачон ўзбекнинг бошидан дўпписи тушмасин, белидаги белбоғи бўшамасин.

Ёзувчи ҳаммани ғафлатда қолдириб, замонамиз қаҳрамони тўғрисидаги асарини аллақачон бошлаб юборган ҳам бўлса, не тонг...

Икром ИСКАНДАР

ТИЛ МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО МУЛКИДИР

Ta'kid

"Маънавий — маданий ҳаётимизни янги маъно мазмун билан бойитиш, — деб таъкидлаган эди юртбошимиз ўзининг Ўзбекистон халқига янги йил табригида, — миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзлигимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустақил пойдевор бўлмоқда". Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб ўзбек тили озод ва эркин ривожланиш имкониятига эга бўлди. Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр – муҳаббат, инсоф, сабр – тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилингач, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, шунга кўра барча мажлислар, илмий ва амалий анжуманлар, кенгашлар, учрашувлар, ҳаётнинг бошқа томонларига оид тадбирлар, илмий кенгашлар ўзбек тилида ўтказила ва ёзила бошланди. Кўплаб илмий – оммабоп адабиётлар асосан ўзбек тилида чоп этила бошланди.

Маълумки, миллий ўзликни англашнинг энг муҳим белгиси тилдир. Тил миллатнинг миллат бўлиб шаклланишидаги энг муҳим шартлардан биридир.

Тил инсоният томонидан яратилган маънавий бойликларнинг намоён бўлиши ва ифодалаш воситаси сифатида кишилар ўртасида алоқа қуроли бўлиши билан бирга, маънавий маданиятнинг муҳим омили сифатида ҳам майдонга чиқади. Бадиий тафаккурнинг ҳамма жанрлари, илмий-техника билимларининг барча соҳалари тил орқали ифодаланади. Тил бўлмаса, эл ҳам, миллат ҳам бўлмайди. Тил миллат тириклиги, унинг яшаб турганлиги ва фаолият кўрсатаётганлигининг асосидир. Тил шу тилнинг эгаси бўлган ҳалққа куч – қувват, руҳий баркамоллик беради, фахр – ифтихорни шакллантиради ва ривожлантиради. Шунинг учун тилга берилган эътибор миллатга берилган эътибордир.

Тилнинг софлиги, унинг жарангдорлиги доимо кишиларнинг руҳини кўтарган ва маънавий озуқа берган. Тилни авайлаб – асраб, унинг мусиқийлигини, гўзаллигини, жарангдорлигини сақлаб, авлодларга мерос қолдириш бугунги кишиларимизнинг муқаддас бурчидир.

Тил ҳақидаги масалалар доимо дунё олимларининг эътиборини жалб қилиб келган, чунки ҳар қандай тил тақдири, унда сўзлашадиган элату халқларнинг сонидан қатъий назар, бевосита ер юзининг маданий ва этник хилма – хиллиги, урф – одатлари, анъаналари билан боғлиқдир.

Тил ва сўзнинг қадр – қиммати ҳақида атоқли шоир, донишманд, давлат арбоби Юсуф Хос Хожиб:

«Киши кўрки сўзу бу сўз бепоён,
Эй тил, мақта эзгу кишини ҳар он.
Ўқув кўрки сўзу, бу тил кўрки сўз
Киши кўрки юзу, бу юз кўрки кўз»,

Яъни:Ақлнинг кўрки тил,
тилнинг кўрки сўз,
Киши кўрки юз, юзнинг кўрки кўздир.
Киши сўзини тил билан сўзлайди,сўзлари яхши,
Унинг юзи сув олади, яъни обрў қозонади, эътибор топади, деб таъкидлайди.

Буюк Алишер Навоий:

Сўздирки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздирки, берар жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо хайвондин,
Балким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин,
деб сўз ва тилни улуғлаган.

Тил—миллий маънавият ва маданият кўзгуси. Тил – миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади.

Миллатнинг бирлиги ва борлиги бош белгиси тилдир. Шунинг учун ҳам, «бош ва гўзал она тилимиз... мафкуравий тарбиямизнинг муҳим бир қисми бўлмоғи лозим», деб уқтирган эди Ислом Каримов. Она тили миллий тафаккурни шакллантиришнинг энг муҳим омилидир. Ўзбек жадидчилик мактабининг ташкилотчиларидан бири, йирик олим Абдурауф Фитрат ўзбекчилик асосларини қуйидаги тўрт шартнинг мавжуд бўлишида кўрган. Буларсиз ўзбек миллатининг бўлишини тасаввур ҳам этмаган. Бу шартлар: биринчидан, ҳар бир миллатнинг ўз тарихий ватанига эга бўлиши, иккинчидан, миллий тилнинг софлигига эришиш. Учинчидан, ўз йўлидан бориши. Тўртинчидан, миллий қадриятлар, анъаналар ва тарихий маданий илдизларга таянган ҳолда ривожланишини кўзда тутади. Зеро, жамият моддий – маънавий, маданий – маърифий бойликлар гулшани бўлса, тил ушбу гулшаннинг калитидир. Маълумки, ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз тилига муносабати унинг ўзлигини, камолини, сиёсий ва ижтимоий онги даражасини, ватанпарварлигини кўрсатувчи асосий белгидир. Ўз тилини севмайдиган одамни ўз элини севади, деб айтиш қийин. «Сўз тузалса – эл тузалади», дейди халқимиз. Жонажон мамлакатимиз истиқлоли ўзбек тилига «Давлат тили мақоми» берилишдан бошланади. Бу халқимизнинг азалий орзуларидан бирининг амалга ошишидир. Бу буюк неъматдир. Бу неъматнинг қадрига етиш, авайлаб – асраш уни ҳаётга татбиқ этиш халқ маънавий бойлигига, зарурият эҳтиёжига айлантиришни ҳар ким ўзининг бурчи деб билишини тақозо этади. Бу шарафли вазифани ҳар биримиз англаб етишимиз ва уни ардоқлашимизни талаб этади. Чунки, буни халқимиз неча ўн йиллар орзу қилган эди. Бугунги кунда БМТда байроғимиз қандай ҳилпираб, дунёга бўй чўзиб турган бўлса, тилимиз ҳам она юртимиз билан бирга дунёга чиқиб, шундай жаранглаши керак. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига эришишимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, эрксеварлиги, халқпарварлиги ва ватанпарварлиги туйғуларининг устуворлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда ўзбек тилининг аҳамияти беқиёсдир.

Мақсадимиз миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборат экан, бунда тил катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун тилимизнинг ҳар ёқлама етук ва мукаммал, табиий равон, кўркам, сермаъно, таъсирчан, ҳар қандай ясамалик ва ғайритабиийликдан холи бўлиши учун ғамхўрлик қилиш истагимиздир. Жаҳонда энг бой ва гўзал она тилимиз халқимизнинг бой тарихи, маданияти маънавий тараққиёти, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экан, уни чанг-ғуборлардан, ҳар хил камситишлардан тозалаб, унинг нуфузи кун саъйин ошиб боришига сай ҳаракатларимизни асло сусайтирмасдан, изчил давом эттиришимиз лозимлигини унутмаслигимиз давр тақозосидир.

Р.БЎРИЕВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2-курс магистранти

ОГАҲИЙ ТАЪРИФИДАГИ ТАРИХ

Meros

Халқимизнинг маънавиятига, тарихига, қадриятларига оид ҳар бир нарса эъзозланиши, асраб-авайланиши, чуқур илмий тадқиқ этилмоғи лозим. XIX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий томонидан яратилган тарихий асарлар ҳам ўрганишга арзирли аҳамиятга эга. Моҳир муаррих ўз амакиси ва устози Шермуҳаммад Мунисниг Хоразм тарихига оид «Фирдавс ул-иқбол» асарини давом эттириб, мукаммал тарихий асар сифатида якунлаган. Огаҳий Хоразм тарихига оид бешта асар яратган.

Булар—Оллоқулихон ҳукмронлик қилган давр (1825-1843) тўғрисидаги «Риёз уддавла» («Саодат бўстони»), «Зубдат ут таворих» («Тарихлар сараси») Раҳимқулихон салтанати даври (1843-1846) хусусида, «Жомиъ ул-воқеоти султоний» («Султонлик воқеалари тўплами») Муҳаммад Аминхон ҳукмронлик даври (1846-1855) воқеалари, «Гулшани давлат», Саййид Муҳаммадхон Баҳодирхон ҳукмфармолиги даври (1856-1865) тўғрисида, Муҳаммад Раҳимхони соний — Феруз салтанати воқеалари (1865-1910) хусусида маълумот берувчи «Шоҳиди иқбол» ёки «Иқбол Феруз» асарларидир. Бу тарихий асарларда Хива хонлиги ҳудудида яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг ижтимоий ҳаётини, Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон билан бўлган муносабатларини, ўзаро урушларни, Россия билан бўлган савдо алоқаларини, халқларнинг урф-одатларини, миллий қадриятларимизни кенг кўламда ёритиб берган. Академик В.Бартольд таъкидича: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарларнинг қанчалик камчиликлари бўлмасин, тарихий воқеалар баён этилиши ва уларда келтирилган далилий материалларнинг кўплиги жиҳатидан Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихига доир бизгача етиб келган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради».

«Гулшани давлат» асари ҳам тўла маънода ана шу юксак баҳога лойиқдир. Муаррихнинг тарихий асарлари ичида «Гулшани давлат» ўз мундарижасига кўра давр маънавий ҳаётини идрок этишда муҳим аҳамият касб этади. Асарда шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхони соний—Ферузнинг отаси Саййид Муҳаммад Баҳодирхон ҳукмронлиги давридаги (1856-1865) воқеалар баён этилади.

Асарнинг икки нусхаси 7572, 12.552 тартиб рақамлари билан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида, шунингдек, Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институти бўлимида (E 1891 NOV 215,6 VIII 590 OB рақамли икки нусхаси) сақланади. Огаҳий асарнинг ёзилиши тарихи хусусида шундай дейди:

«Чун бу мажмуаи баҳжатшиор ва марқумаи файзасарға ибтидо қалами сурулди, «Гулшани давлат»ға мавсум бўлди...»

Асар 39 бобдан иборат бўлиб, боблар ичида яна 100 та фаслчалар бор. Асардаги тарихий воқеалар баёни, ҳодисалар тафсилоти, боблар ва бу боблар ичидаги фаслларда «Яна улким», «Бу ижмол тавсили улким», «Бу воқеа баёни улким», «Баъзи воқеа зикриким» каби сарлавҳаларда берилган.

Огаҳийнинг фикрича, ҳукмдор уч фазилат—олий насаб, илму маърифат ва ҳарбий маҳорат соҳиби бўлмоғи зарур. Саййид Муҳаммад Баҳодирхонда ана шу уч фазилат мужассам эди. Хон ҳазратларининг ёшлигидан илмга, хусусан, шеър ва тарихга муҳаббати, қизиқиши кучли эди. Ёшлик йиллари, ўспиринлик даврларидаёқ гўзал жойларда дилкушо мажлисларда у ўз даврининг олим ва фозиллари билан ҳамсуҳбат бўлиб, диний ва дунёвий илмлардан баҳраманд бўлган. Асарда баён этилганидек: «Шеър ва таворих ва таассуфи даҳойиқий мужодаласидин ниҳоятсиз завқ ва ғоятсиз фараҳ ҳосил қилур эрди. Ва мажлис аҳлиға атои хусравона ва сахои бебаҳона сарпанж била зарпошлиғ қилиб, хушҳоллик ва фориғболлиқ еткурур эрди».

Илмпарвар Саййид Муҳаммад Баҳодирхон айниқса, олимлар, фозиллар, шоирларга алоҳида марҳаматлар кўрсатади. Бунинг натижасида Хоразм диёрида шеърият ва адабиёт юксак даражага кўтарилади. Асарда Хоразм адабий муҳити вакилларидан Огаҳий юксак баҳо берган даврон фузалосидин жомеъ-ал фунун ва ал-улум Муҳаммад Юсуф Маҳмуд, мулло Нуржой Холис, Муҳаммад Юсуф Махдум, Комиллар ижодидан намуналар берилади. Шунингдек, асарда истеъдодли шоир, хаттот, таржимон Паҳлавон Ниёзбой Комил ҳақида илк маълумот берилади: «Ва наврасфикру тоза табъ шуародин фазлу ҳунар аҳли орасида мумтоз Паҳлавон Ниёзбойким, фозиллар гуруҳи ичра тахаллуси Комилдур».

Саййид Муҳаммадхон ҳарб илмини ҳам қунт билан ўрганади, бу илмнинг сирру синоатларини шу даражада мукаммал ўзлаштирадики, наср баёнида таърифланганидек: «...Ва гоҳо муҳориба ва муқобила русумининг улушида андоқ маҳорати диққат ҳосил қилдиким, уруш қоидасин билмакда замон шужаъасиға ғолиб келди. Ва барча яроғни ўз мақомида андоқ устодлиғ била ишлаттиким, Рустаму Баҳром руҳиға таажжуб ва ҳайрат бармоғин тишлатти».

Хон ҳазратлари юрт маъмурчилиги, ободончилиги, бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор беради. Шунингдек, савдо-сотиқ, дипломатик муносабатларни ҳам яхши йўлга қўйган эди.

Тарихни ўрганмоқдан мурод сабоқдир. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда... «Не ишдин мамлакат обод, қаю ишдин улус барбод бўлган»лигини тафаккур кўзгусида кўриб, ибрат олингандагина бу мурод ҳосил бўлади. Акс ҳолда у ибрат дарси эмас, залолат, адашишлик асосига айланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда «Гулшани давлат» асари халқимизнинг XIX аср тарихи, адабиёти, халқ маросимлари, урф-одатларини, миллий қадриятларимизни ўрганишда муҳим манба сифатида мўътабардир.

Қумрихон СУЛТОНОВА,
Республика таълим маркази бош методисти

ТАНГРИ ЁРЛАҚАГАН ФАРЗАНД

Teran tomirlar

2003 йилда буюк аллома Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1030 йиллиги нишонланади. Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган даҳо инсоннинг бебаҳо мероси дунё олимлари томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда. Унинг "Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар", "Ҳиндистон", "Жавоҳирлар", "Геодезия", "Сайдана" каби машҳур асарлари ҳамон дунё илму фан аҳлининг диққатини тортиб турибди. Беруний ҳақида кўплаб рисола, кенг қамровли асарлар ёзилди, мероси асосида эса қанчадан-қанча илмий тадқиқотлар, таҳлиллар амалга оширилди.

Ўзбекистонда Беруний меросига чексиз ҳурмат ва эътибор ортмоқда. 1999 йил Урганчда олим хотирасига рамзий мақбара қурилди ва унинг очилиш маросимида қатнашган юртбошимиз И.Каримов эсдалик китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Америка қитъасини Христофор Колумбдан 500 йил олдин очиб берган улуғ мутафаккир, авлиё бобомиз руҳи поки доимо шод бўлсин. 5 ноябрь 1999 йил".

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти бир қадар ўрганилган бўлса ҳам, қанчалик чуқур тадқиқот ишлари олиб борилгани сайин, олимнинг янги олмос қирралари очилаверади. Аслини олганда Ал-Беруний илм-фан соҳасида жаҳоний бир юксак шарафга эришганки, олимнинг хоҳ илмий мероси, хоҳ ҳаёти билан боғлиқ тафсилотни билмоқ учун кўп нарсалардан хабардор бўлмоқ керак. Унинг баъзида оддийгина туюлган фикрлари дунё илмининг илдизларига бориб тақалади.

Ал-Беруний ҳақидаги тадқиқотларнинг аксарияти унинг илмий меросига бағишланган. Илм-фаннинг мукаммал пойдеворини қўйган Беруний асарларининг илмий қиймати бугун ҳам камайгани йўқ. Уларнинг ҳамон нуфузи ва қадри баланд. Ул зот бир неча фанларнинг асосчиси сифатида дунёда тан олинган. Дунё олимлари XI асрнинг биринчи ярмини Беруний даври деб баҳолаган эканлар.

Олим яратган илм янги ҳаётни тиклаш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Инсоният турмуши шу асосда ривожланиб боради. Аслини олганда аҳамият жиҳатдан алломалар ҳаёти ҳам уларнинг илмий ишларидан сира кам бўлмайди. Чунки турмуш тарзи, ҳаёт матлаби, эътиқод ва иймони бут кишилар руҳиятига шундай озуқа берадики, инсонда яшаш ва яратишга, шижоат билан меҳнат қилишга кучли рағбат уйғотади. Биз ҳозир инсоний комиллик деган иборани кўп ишлатмоқдамиз. Даҳо бобокалонларимиз ана шу буюк комилликнинг ёркин намунасидир.

Беруний ҳаётига оид маълумотлар жуда кўп тарихий манбаларда сақланган. Ўзбекистонда Беруний меросига чексиз ҳурмат ва эътибор ортмоқда. 1999 йил Урганчда олим хотирасига рамзий мақбара қурилди ва унинг очилиш маросимида қатнашган юртбошимиз И.Каримов эсдалик китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Америка қитъасини Христофор Колумбдан 500 йил олдин очиб берган улуғ мутафаккир, авлиё бобомиз руҳи поки доимо шод бўлсин. 5 ноябрь 1999 йил".

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти бир қадар ўрганилган бўлса ҳам, қанчалик чуқур тадқиқот ишлари олиб борилгани сайин, олимнинг янги олмос қирралари очилаверади. Аслини олганда Ал-Беруний илм-фан соҳасида жаҳоний бир юксак шарафга эришганки, олимнинг хоҳ илмий мероси, хоҳ ҳаёти билан боғлиқ тафсилотни билмоқ учун кўп нарсалардан хабардор бўлмоқ керак. Унинг баъзида оддийгина туюлган фикрлари дунё илмининг илдизларига бориб тақалади.

Ал-Беруний ҳақидаги тадқиқотларнинг аксарияти унинг илмий меросига бағишланган. Илм-фаннинг мукаммал пойдеворини қўйган Беруний асарларининг илмий қиймати бугун ҳам камайгани йўқ. Уларнинг ҳамон нуфузи ва қадри баланд. Ул зот бир неча фанларнинг асосчиси сифатида дунёда тан олинган.

Беруний қаерда, қандай оилада дунёга келди, болалик даври қандай кечди? Айрим манбаларда у камбағал деҳқон оиласида туғилган, отадан етим қолиб, онаси тарбиясида бўлган деб қайд этилади. Агар у болалигиданоқ бир неча тилларни (айниқса араб ва форс) билганини, бу тилларни онасидан ўрганганини ҳисобга олсак, у туғилган хонадон соҳиблари ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритишга тўғри келади. Шубҳасиз, Берунийнинг ота-оналари ҳар томонлама саводхон ва илмли кишилар бўлган. Ёш Берунийнинг Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун билан илк учрашувида унинг маънавий дунёси бойлиги аниқ кўриниб туради. "Афтодаҳол кийинган ёш Берунийни шоҳ ҳузурига олиб кирадилар. У шоҳ олдида ўзини мардона тутади. Жулдур кийимлар руҳиятига заррача ҳам халал бермайди. Шоҳ дастурхонга таклиф қилганида ўрнидан жилмай тураверади. Шунда шоҳ ҳуснихатдан гап очади, тўғрироғи, ёш Муҳаммаднинг ўрни билан қисқагина қайд этиб ўтилади. Шу билан бирга ҳозиргача унинг ҳаёт йўли ҳам мукаммал ўрганилган, деб бўлмайди. Айниқса, олимнинг болалик ва ўсмирлик чоғлари, ота-онаси тўғрисида маълумотлар жуда кам сақланган. Олим ҳақидаги маълумотларнинг энг ишончлиси аллома асарларидаги бебаҳо фикрлар ва кашфиётлардир. Агар Беруний умри давомида 150 дан зиёд асарлар ёзганини ҳисобга олсак, бу ишнинг кўлами қанчалик кенг эканлиги маълум бўлади. Мукамалликка эришмоқ учун Берунийнинг қайдлари билан бошқа муаллифларнинг маълумотларини таққослаб кўриш зарурлигини тушунамиз.

Беруний қаерда, қандай оилада дунёга келди, болалик даври қандай кечди? Айрим манбаларда у камбағал деҳқон оиласида туғилган, отадан етим қолиб, онаси тарбиясида бўлган деб қайд этилади. Агар у болалигиданоқ бир неча тилларни (айниқса араб ва форс) билганини, бу тилларни онасидан ўрганганини ҳисобга олсак, у туғилган хонадон соҳиблари ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритишга тўғри келади. Шубҳасиз, Берунийнинг ота-оналари ҳар томонлама саводхон ва илмли кишилар бўлган. Ёш Берунийнинг Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун билан илк учрашувида унинг маънавий дунёси бойлиги аниқ кўриниб туради. "Афтодаҳол кийинган ёш Берунийни шоҳ ҳузурига олиб кирадилар. У шоҳ олдида ўзини мардона тутади. Жулдур кийимлар руҳиятига заррача ҳам халал бермайди. Шоҳ дастурхонга таклиф қилганида ўрнидан жилмай тураверади. Шунда шоҳ ҳуснихатдан гап очади, тўғрироғи, ёш Муҳаммаднинг ўз қўли билан ёзилган тўртликни шоҳга узатади. Чиройли ҳуснихатни кўриб, шоҳ хурсанд бўлади ва "Қайси олд ва орт қўшимчаларни биласан?" деб сўрайди. Шунда Муҳаммад ўн олти қўшимчалардан тузилган байтни қироат билан ўқийди. Шоҳ ҳаддан ташқари хурсанд бўлиб, Муҳаммадни олиб келган дўстига Сурия тилида, "Оллоҳ бу болага билимни аямай берган экан" дейди. Муҳаммад бу сўзларни тушунади. Юзида қувонч барқ уради. Шоҳ Муҳаммаднинг бу гапларни тушунганини сезиб, "Сен қайси тилларни биласан?"—деб сўрайди. Муҳаммад араб, форс ва Сурия тилларини онасидан ўрганганини айтади. Хоразмшоҳ боланинг ўткир зеҳни ва билимига тасаннолар айтиб, унга илтифот кўрсатади.

Тарихий манбалардан маълумки, Абу Райҳон Беруний ўз умрининг кўп қисмини муҳожирликда, Ватанидан йироқда ўтказади. Олимнинг муҳожирликда кечган ҳаёти, оилавий аҳволи ҳақида жуда кам ёзилган. Баъзида буюк одамларнинг шахсий ҳаёти бўлмайди, деган гапларни эшитиб қоламиз. Аммо, инсон борки, шахсий ҳаёти унинг тақдирида асосий роль ўйнайди. Бас шундай экан, алломанинг яратган асарлари бир дунё бўлса, шахсий ҳаёти ҳам бир жаҳондир.

Берунийнинг Маҳмуд Ғазнавий билан муносабатлари ҳақида жуда кўп ривоятлар, ҳикоятлар ва илмий маълумотлар мавжуд. Ҳаммага маълум бўлган бир воқеани олиб кўрайлик. Маҳмуд Ғазнавий Берунийга кўп эшикли хонанинг "қайси эшигидан чиқиб кетишимни аниқла" деган топшириқни беради. Агар Ғазнавийнинг бир сўзлилиги, қарорида қатъийлиги ва шафқатсизлигини инобатга олсак, мана шундай жўн "ўйинлар"нинг ҳар бирида Берунийнинг ҳаёти қил устида турганини ҳис қиламиз. Беруний ақл-заковат қуввати билан Ғазнавий хонадан қайси йўл билан чиқишини хат қилиб хонада қолдиради. Ғазнавий Берунийни ёлғончига чиқариш, яъни мот қилиш мақсадида янги эшик очдириб шу ердан чиқади ва қолдирилган хатни ўқийди. Шоир Омон Матжон бу ҳикоятни жуда маҳорат билан ифодалаган:

"Қай томонга юз тутса, ҳаждир
Қай томонга шаҳд этса йўл бор..."

Берунийнинг Ҳиндистонда, Эроннинг Рай, Гургон ва бошқа шаҳарларида кечган умри ҳам ана шундай воқеаларга бойдир. Бу воқеалар эса том маъноси билан Абу Райҳон Берунийнинг маънавий дунёсини, инсоний фазилатлари ва забардаст сиймосини ифодалайди.

Донишманд ғазалхон "Йўлни не билгай киши, то раҳнамо кўргазмагай" дейди. Беруний Оллоҳ Таоло назарига тушган фарзанд эканки, унга ўз замонасининг энг машҳур донишманд инсонлари раҳнамолик қилишган. Шулардан бири — Африғийлар сулоласидан бўлган Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг амакиваччаси — Абу Наср ибн Али Ироқ эди. У математика, астрономия каби фанларнинг ўз даҳлсиз қонуниятлари бор. Ҳамма вақт ҳам илм аҳлининг ишлари юришиб кетавермаган. Гарчи Муҳаммад умрининг маълум муддатида устозлар ва хайрихоҳ ҳукмдорлар марҳамати билан самарали ижодий иш олиб борган бўлсада, ҳаётининг кўп қисми ўта машаққатли азоб-уқубатларда ўтган. У бир неча марта дор тагидан қайтган, очночор, дарбадарликда яшаган.

Беруний асарларининг аксарияти маълум муносабатлар натижасида ёзилгани кўпгина манбаларда қайд этилади. Дунёга таниқли бир олим, "Беруний ўрганган фанларидан кўра ўрганмаганларини санаш осонроқдир", деганида мутлақо ҳақли эди. У тиббиёт фани билан ҳам жуда мукаммал шуғулланган. Машҳур тиб олими ибн Сино билан савол жавобларида Беруний заковатининг нақадар кучли бўлганини кўрамиз. Унинг "Сайдана" китоби доришунослик соҳасидаги энг нодир асар ҳисобланади. Мазкур асар учун зарур маълумотларни Беруний бир умр тўплаганди. Ривоят қилишларича, ёш Беруний оғир дардга чалинган онасига дармондори излаш ниятида шифобахш гиёҳлар ахтарган. Гиёҳлар билан шуғулланаётган дўсти билан суҳбатлар қилган. Сирасини айтганда, ҳар бир даврда табобат билан жуда кўп кишилар шуғулланишган. Лекин Беруний ҳар бир гиёҳ ва модданинг шифобахшлик хусусиятларини илмий жиҳатдан пухта текшириб, ягона хулосага келган. Шу боис тиббиёт фанида "Сайдана" муҳим ва нодир асар сифатида қадрланади.

Полвон ҚАЛАНДАРОВ,
техника фанлари доктори, профессор

Kurs dasturlarida o'quv mashg'ulotlaridan tashqari "Ochiq dars"lar tashkil etilib, o'zaro tajriba almashildi.

Siz kulib "qaridik" deganingizni tan olgim kelmagan edi. Lekin hayotning qonunlari biz bilan hisoblashmas ekan...

«ХАЛҚ ТАЪЛИМИ» САҲИФАЛАРИДА

Журнални қўлга олган ўқувчи мазкур ойноманинг одатдагидан анча салмоқли эканлигини билади. Унинг 5-сони сентябрь-октябрь ойлари учун нашрдан чиқди.

Журнал педагогика фанлар доктори, профессор Шавкат Қурбоновнинг "Мустақиллик пойдевори" мақоласи билан бошланган.

Миллий истиқлол ғоясининг мақсади, унинг илмий-амалий манбалари, ғоянинг шакллантириш соҳалари нима, қандай бўлмоғи керак? Мана шундай саволларга мақола сўнггида келтирилган алоҳида кўчирмалар жавоб беради.

"Ҳар бир ўқувчи, талаба, фуқарода миллат, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ўзига яраша тушунчалар бор. Ҳамма миллий мафкурани бир хил тушунади, деб ўйласак, хато қиламиз. Шу сабабли ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказиб, (уларнинг билим даражаси паст бўлса, бундан ранжимай), аудиториянинг ўртача савиясини аниқлаб олиш лозим. Кейин аста-секин уларни ўзингиз кўтармоқчи бўлган даражага олиб чиқиш тез ва соз кечади" дейди педагогика фанлари доктори Муҳаммад Қуронов, тақдиқотчи Мусаллам Абдужабборовалар "Мафкуравий кураш: педагогик талқин" деб номланган мақолада.

"Таълим, ғоявий тарбия ва миллатлараро муносабатлар", "Мафкуравий муносабат ва уни шакллантириш", "Мустақиллик ва ватанпарварлик" каби мақолаларда ҳам асосан миллатнинг миллат бўлиб шакланишида, мафкуранинг ҳар бир инсон онгига чуқур ва мустаҳкам ўрнашишига сабаб бўладиган омиллар, сабаблар тилга олинади.

Оилавий муносабатларни тўғри шакллантириш, оилавий тарбия деганда нимани тушуниш мумкин? Бу саволларга Муяссар Маҳмудова ҳамда Нилуфар Лутфуллаевалар "Таълим жараёнида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш методлари", "Оиланинг тарбиявий аҳамияти" каби мақолаларида атрофлича жавоб беришган. Оила муаммоларини ўрганишда бугунги куннинг аҳамиятли масалаларидан бири бўлган оилавий муносабатлар катта ўрин эгаллайди. Қадимдан ўзбек халқи ўз фарзандларини қуйидаги манбаларга асосланган ҳолда, яъни: дин асосида, меҳнат, фаолият билан шуғуллантириш, соғлом оила муҳитини яратиш каби бир қатор урф-одатларимиз, анъаналаримиз руҳида тарбиялаб, ижобий натижаларга эришган. Баркамол авлодни шакллантиришда оиладаги соғлом руҳий муҳит бошқа ҳар қандай муҳитдан устунроқ туради.

Журнал ижодий жамоаси ўз ўқувчиларига шу ва шу каби бир-биридан қизиқарли мақолалар, тадқиқотларни туҳфа этишган.

Бундан ташқари дарс жараёнида экскурсия ўтказиш усули, турли компьютер дастурлари тузиш йўллари, мактаб тажриба майдончаларида шифобахш ўсимликлар етиштириш сингари ўқитувчи ва мураббийларга ёрдам берадиган мақолалар ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган.

"Халқ таълими" журналини қўлига олиб, уни ўқимоққа тутинган муштарийга яна бир маълумот, журналда биз тилга олмаган, лекин ҳар бир фан ўқитувчисига жуда-жуда зарур бўладиган бошқа маълумотлар ҳам етарли. Минг марта эшитгандан...

«НЕГА БИЗДАН АКАДЕМИКЛАР ЧИҚМАЙДИ?»

Ғаройиб ва ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган фикрлар билан барча мухлислари ҳамда ўқувчиларни баъзан ҳайратга солиб қўядиган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган синфдошлар журнали "Синфдош"нинг янги сонидан сиз юқорида сарлавҳа ўрнида ишлатган саволимизга ўхшаган, балки ундан ҳам қизиқарлироқ маълумотлар, хабарлар, фикр-мулоҳазаларни етарлича топишингиз мумкин. "Синфдош" энг аввало "Дунёдаги энг тезкор Мактаб Ахборот Узатиш тизими(қизлар)дан ҳам Зўр "Синфдош" Ахборот Агентлиги(ДЭТМАУТҲЗСАА) хабарлари билан ўз ўқувчиларини жалб қилиб олади. Мана сиз ҳам унинг хабарларидан бири билан танишинг:

"...вилоятида ўқувчиларнинг финалга етиб келган "Маркет", ва "Супермаркет" жамоаларининг сўнгги баҳси қуйидагича эди: улар компьютернинг расмига қараб бунинг нималигини айтиб беришлари керак эди. Баҳснинг энг қизиқарли жойи шунда эдики, улар компьютерни шу пайтгача кўрмаган. Шунга қарамасдан "Маркет" жамоасидан 11 ўқувчи, "Супермаркет" жамоасидан 7 ўқувчи аниқ жавоб берди ва "Маркет" жамоаси тўла ғалабага эришди. Ушбу мусобақа қайси вилоятда ўтказилганини топиш сизга ҳавола.

Сизларда янги хабарлар бўлса бизга юборинг, биз эса... қолгани "ҳандалак"чилар айтгандек".

Қизиқ маълумот, шундай эмасми? "Синфдош" ўз муштарийларини фақат бу билангина қойил қилмайди. "Мактублар" рукнида берилган хатлар ҳам ажойибу ғаройибликда хабарлардан қолишмайди. "Мактабимиз ёниб кетган", "Туз, чой ва ўқитувчи ҳақида эртак", "Паловни соғинамиз", "Синфдош" туфайли пахтам кўп чиқди" каби хатлар турли вилоятлардан келган.

"Эркак ўқитувчилар дарс бергани маъқулми ёки аёл ёхуд эркак устозлар нега камайиб кетмоқда?" бу саволни "Синфдош" ўқитувчиларга, журналистларга, талаба ва ўқувчиларга бериб кўрган ва улардан турлича жавоб олган. Ўқинг, нега эркак ўқитувчилар камайиб кетаётганлигини қисман билиб оласиз. Учта мактабда ўқиган шоир ким? Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон-да, албатта. Нега учта мактабда ўқиган? "Синфдош"ни ўқинг — жавоб тайёр.

Немис ёзувчиси Зу Вентернинг "Биринчи муҳаббат" ҳикояси журналнинг "Мактабда муҳаббат" рукнига жуда мос келибди-да.

"Эътиқод сабоқлари", "Муносабат", "Ота-оналар бурчаги «Минбар» каби рукнларда ҳам ўқувчилар қизиқарли фикрлар билан танишишлари мумкин.

Хуллас, "Синфдош"ни бир ўқиб чиқсангиз, ёмон бўлмайди. Энг асосийси, кетган вақтингизга ҳеч ҳам ачинмайсиз.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Kollejlar hayotidan

ТАЪЛИМ САМАРАСИ ЎҚИТУВЧИ МАЛАКАСИГА БОҒЛИҚ

Ҳар бир ўқувчи-талабанинг замонавий билим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишиши ўқитувчининг илмий салоҳияти, педагогик маҳорати ва бой тажрибасига боғлиқ. Сир эмаски, ҳар бир ўқитувчи индивидуал педагогик маҳорат, билим ва қобилиятга эга.

Таълим тизимида ўз кўламини кенгайтириб бораётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг умумтаълим фанларидан жойларда доимий ҳаракатдаги малака ошириш (ДХМО) курсларининг ташкил қилиниши бугунги кунда ўз ижобий самараларини бермоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳозирда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида умумтаълим фанларидан дарс бераётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўрта мактаб ўқитувчиларидир. Уларнинг педагогик фаолиятини коллеж тизимига мувофиқлаштириш мақсадида ДХМО курси ишларини такомиллаштириш зарур.

ДХМО курсларини ташкил қилишдан кўзланган мақсад — академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг фанлар бўйича тайёргарлигини кучайтириш, лаборатория жиҳозлари билан ишлаш малакасини ошириш, ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларни ва ўқитишнинг техник воситаларини қўллашни ўрганиш, компьютер техникасидан фойдаланиш, ўқитишни индивидуал ва табақалаштирилган, ноанъанавий усулларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, маънавий-маърифий тайёргарлигини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш каби таълим жараёнининг муҳим фаолиятларини амалга оширишдан иборат.

2002-2003 ўқув йили давомида Тошкент вилоятида ДХМО ишларини олиб бориш учун 6 та ҳудудий ижодий гуруҳлар ташкил этиди. Қибрай ва Тошкент тумани ҳудудидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган ДХМО курслари ўқув машғулотлари Тошкент тумани ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилди.

Жумладан, Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида она тили ва адабиёт фанларидан 146 соатга режалаштирилган ДХМО курс ўқув машғулотлари ҳар ҳафтанинг сешанба куни мунтазам фаолият кўрсатди. Ўқув машғулотларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун яратилган дарсликлар давлат таълим стандартларига таққосланди. ДТСларини ўқув жараёнига мувофиқлаштиришда дарсликларнинг аҳамияти катта. Дастлаб ҳудуддаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари рўйхатини белгилаш ҳамда курсларда ўқув машғулотларни олиб борувчи илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар аниқланди. Ҳудуддаги 11 та коллежда 14 та умумтаълим фанларидан малака ошириш ўқув машғулотларининг дастури ишлаб чиқилди. Вилоят ЎМКҲТ бошқармаси томонидан ҳар бир фан учун ҳафтанинг бир куни методик кун этиб белгиланди. ДХМО курсларини ташкил этишдаги муҳим тамойиллардан бири, айнан, шу кунда малака ошириш ўқув машғулотларининг ҳам ўтказилиши бўлди.

Дастлаб ҳудуддаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари рўйхатини белгилаш ҳамда курсларда ўқув машғулотларни олиб борувчи илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар аниқланди. Ҳудуддаги 11 та коллежда 14 та умумтаълим фанларидан малака ошириш ўқув машғулотларининг дастури ишлаб чиқилди. Вилоят ЎМКҲТ бошқармаси томонидан ҳар бир фан учун ҳафтанинг бир куни методик кун этиб белгиланди. ДХМО курсларини ташкил этишдаги муҳим тамойиллардан бири, айнан, шу кунда малака ошириш ўқув машғулотларининг ҳам ўтказилиши бўлди.

Таъкидлаш керакки, ҳозирда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида умумтаълим фанларидан дарс бераётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўрта мактаб ўқитувчиларидир. Уларнинг педагогик фаолиятини коллеж тизимига мувофиқлаштириш мақсадида ДХМО курси ишларини такомиллаштириш зарур.

ДХМО курсларини ташкил қилишдан кўзланган мақсад — академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг фанлар бўйича тайёргарлигини кучайтириш, лаборатория жиҳозлари билан ишлаш малакасини ошириш, ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларни ва ўқитишнинг техник воситаларини қўллашни ўрганиш, компьютер техникасидан фойдаланиш, ўқитишни индивидуал ва табақалаштирилган, ноанъанавий усулларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, маънавий-маърифий тайёргарлигини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш турни 15-20 фоиз ўзгартириш мумкин бўлган ҳуқуқдан фойдаланиб янги 2003-2004 ўқув йили учун қайта тақвим — мавзу режаси ишлаб чиқилди. Энг муҳими, ҳар бир мавзуга оид маъруза матнлари тайёрланди ва муҳокама қилинди.

Курс дастурларида ўқув машғулотларидан ташқари "Очиқ дарс"лар ташкил этилиб, ўзаро тажриба алмашилди.

2002-2003 ўқув йили сўнггида Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган ДХМО ўқув машғулотлари натижаларининг якуний ҳисобот — кўргазмасида Тошкент вилояти ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ДХМО ўқув машғулотларини олиб борган 80 дан ортиқ лидер ўқитувчилар иштирок этдилар.

ДХМО курсларида бажарилган илмий-услубий ишларнинг таълим жараёнидаги афзалликлари ва билдирилган фикр-мулоҳазалар, баҳс-мунозаралар натижасида йилдан-йилга ўзининг ижобий самарасини кўрсатаётган ДХМО курслари фаолиятининг истиқболига ишонч билдирилди. Анжуманда "Таълим тўғрисида"ги қонун, ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий талабларидан бири бўлган таълим-тарбия тизимидаги барча бўғинлар шу жумладан, ЎМКҲТ муассасаларининг олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигига жиддий эътибор қаратилди.

Шу боис сўнгги пайтларда вилоятимиз ЎМКҲТ муассасаларининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги фаолиятида анча жонланиш кузатилди. Чунончи, Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳам Низомий номидаги ТДПУ "Умумий педагогика" кафедраси билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Коллежда ТДПУ "Умумий педагогика" кафедрасининг филиали ташкил этилди. Университет педагог ходимлари коллеж ўқитувчиларини фанларга оид методик қўлланмалар билан таъминладилар. Коллеж ўқитувчилари билан илмий-амалий мулоқотлар ўтказилмоқда. Мазкур ҳамкорлик фаолияти сифатида 2003 йил 5 июнда "Таълим жараёни самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш муаммолари" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилди.

Университет олимлари билан коллеж педагоглари илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллашдаги айрим муаммолар ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар. Билдирилган таклифлар асосида тавсиялар қабул қилинади.

Коллежимиз ҳаёти илм-фан бобида муайян ютуқларга эришишида олий-гоҳлар билан ҳамкорлик, касб-ҳунар малакаларини пухта эгаллашда ишлаб чиқариш корхоналари билан амалий боғланиш жараёнлари ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда.

Ҳакима АСОМОВА,
Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг услубчиси

ГЎЗАЛЛИККА ОШНО ҚАЛБ

Ҳар кун тонг отишидан, қуёшнинг само узра бош кўтаришидан, қушларнинг куйлашию ариқларнинг шилдирашидан барча-барчасидан завқланадиган, шуларни оппоқ қоғозга туширишга ҳаракат қиладиган инсонгина дунёдаги жамики борлиқни жонлантиришга, тасвирлашга интилади. Табиатга, гўзалликка ошно инсонлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, деганида ҳақ эди донишманд. Ана шундай гўзалликка ошно бўлган қалб эгаси Андижон вилояти Избоскан туманида туғилган Дилафрўз Жумашевадир. Дилафрўз болалигиданоқ расм чизишга, табиатнинг ҳар бир ўзгаришини тасвирлашга қизиқади. Оиладаги муҳит, айниқса отаси Муроджон аканинг тасвирий санъат ўқитувчиси эканлиги ҳам бу қизалоқнинг қонида ижодкорлик жўш ураётганлигидан далолат беради. Дилафрўзнинг илк бора қўлига қалам тутқазиб, бу соҳага муҳаббатини оширган устози ҳам отаси бўлади. У ўзининг истеъдодини янада юксалтириш мақсадида Бадиий академия тасарруфидаги Андижон тасвирий ва амалий санъати лицейида таълим бераётган устозлари ёрдамида расм чизиш сирларини эгаллашга астойдил интилмоқда. Дилафрўз бир неча асарлари билан Бадиий академия томонидан ташкил этилган болалар кўргазмасида муваффақиятли иштирок этди. Айниқса, Японияда бўлиб ўтган дунё болаларининг "Биз тинчликни хоҳлаймиз!" мавзусидаги кўргазмада қатнашиб қайтиши ёш рассомнинг қалбида илиқ таассуротлар қолдирди. Биргина "Коинотга саёҳат" асарининг тасвирланишига қараб, мурғак қалбнинг коинот ҳақидаги тасаввурлари, ҳаёлот дунёсининг нақадар кенглигини кўрамиз. Инсоннинг дунё яралибдики, юксакликка, самога интилишининг говоҳи бўламиз. Орзулари ойдин бу қизалоқ келажакда машҳур рассом бўлмоқчи.



Бу эзгу тилакка эришиш йўлида Дилафрўзга улкан омадлар тилаймиз.

Назокат ХОЛМЕТОВА

Milliy dastur va fan

ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ БУГУНГИ КАШФИЁТЛАРИ

Буюк миллатимиз фани кечагина дунёга келгани йўқ. Унинг етти иқлимни ҳайратга солиб турган беназир ақл-заковат кошонаси — пойдевори яратилганига жуда кўп асрлар бўлган. Шу боис ҳам фанимиз дарахтининг илдизлари ниҳоятда чуқур ва беқиёс даражада бақувватдир. У фақат ўзбек халқига хизмат қилибгина қолмай, балки умумжаҳон фани ва маданияти хазинасини бойитишда ҳам катта аҳамият касб этган. Буни дунёвий билимлар алломалари — Хоразмий, Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари кўпдан-кўп улуғ боболаримиз мисолида яққол кўриш мумкин. Улар математика, астрономия, ҳуқуқшунослик, фалсафа, тиббиёт, тарих, илоҳиёт, тилшунослик ва адабиётшунослик каби қатор фанлар равнақига бебаҳо ҳисса қўшиб, бутун дунёга машҳур бўлганликларини ҳамиша ғурур ва фахру ифтихор билан сўзлаб келдик.

Бугунги кунда ўзбек олимлари истиқлол берган буюк неъмат — озодлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, мамлакат равнақи учун камарбаста бўладиган илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Энди улар мустабид тузум давридаги "марказ" буйруқларию назоратидан тамоман қутулган ҳолда буюк алломаларимиз яратган мактаблар анъаналарини изчил давом эттирмоқдалар. Мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш, унинг олдида турган долзарб муаммоларини ечиш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини Ўзбекистон деб аталмиш она-юрт тараққиёти йўлида ишлатишдек бахтга муяссар бўлиб, неча ўн йиллардан буён қилинмаган ишларнинг амалга оширилаётганига гувоҳмиз. Агар, буни илмий салоҳиятнинг ўзаги ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мисолида кўрадиган бўлсак, олимларимизнинг мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қўшаётган ҳиссалари ёрқин намоён бўлади.

Бугунги кунда Фанлар академияси таркибида 43 та илмий-тадқиқот муассасаси, 3 та минтақавий бўлим (Қорақалпоғистон ва Самарқанд бўлимлари, Хоразм Маъмун академияси), 3 та илмий марказ (Бухоро, Андижон, Наманган ва Фарғона) ҳамда 4 та музей фаолият кўрсатмоқда. Ўз таркибига 6 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган Фанлар академиясининг илмий муассасаларида 2136 нафар илмий ходим бўлиб, улардан 369 киши фан доктори ва 888 нафари фан номзодидир. Академиянинг 133 ҳақиқий аъзосидан 52 киши ана шу илмий муассасаларда фаолият юритишяпти. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар билан банд бўлган бу олимлар янги-грант тизими асосида 7 фундаментал ва 20 та давлат илмий-тадқиқот дастурларидаги 180 та фундаментал ҳамда 289 та давлат илмий-техник, шунингдек, 15 та инновацион мавзулар бўйича илмий яратувчанлик ишларини олиб бормоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган ўн икки йил Фанлар академияси учун ҳам чинакамига изланиш, интилиш ва яратиш йиллари бўлди. Бошқарув тизими тубдан ўзгартирилиб, халқаро андозалар даражасига келтирилди. Илмий тадқиқот ишларининг сифат ва самарадорлиги бош масала қилиб қўйилди. Илмий муассасаларнинг дунёга чиқишига, ривожланган мамлакатлар олимлари ҳамда йирик илмий-техник марказлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари очиб қўйилди. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатлар грантлари ҳисобига ўқитишга катта эътибор берила бошланди. Айни пайтда ривожланган давлатларда ўтказиладиган илмий анжуманларда иштирок этиш, шунингдек, чет эл грантларини олишга интилиш кучайди. Хавфсизлик, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотларга бўлган талаб оширилди. Энг муҳими, олимнинг қадру қиммати, ҳурмати ўрнига қўйилди. Буларнинг бари Ўрта Осиёда энг нуфузли ва энг салоҳиятли, энг кучли илмий марказ ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг обрўсини янада оширди.

Агар биргина кейинги уч йилнинг ўзида Фанлар академияси олимлари томонидан 85 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган бўлса, худди шунча ҳажмдаги китоблар мустақиллик даврининг мевалари сифатида хорижий мамлакатларда нашр қилинди. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида академия илмий муассасаларининг бўлим ва лабораторияларида олий ўқув юртлари талабаларининг назарий ва амалий машғулотларини ташкил этиш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактаблари билан узвий ҳамкорлик мустаҳкамланди. Ҳар йили олий ўқув юртларининг юзлаб бакалавр ва магистрлари илмий тадқиқот ишларига жалб этилиб, уларга академиянинг 250 дан зиёд етакчи илмий ходимлари бириктирилган. Кейинги уч йилда 7,5 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий грантларнинг олиниши эса академиянинг халқаро фондлар билан илмий ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Албатта, академия олимларининг нефть маҳсулотлари буғланишини кескин камайтирувчи керамик понтонларнинг оригинал конструкциясини ишлаб чиқиб, "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компанияси тизимида кенг қўллаётганликлари, элликка яқин импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар яратиб, ишлаб чиқаришга киритганликлари, АҚШ давлат департаменти билан тузилган шартномага биноан, радиацион моддаларни аниқловчи ускуналар бунёд этиб, республикамизнинг Ғиштқўприк, Олот ва Тошкент аэропорти божхоналарига қарашли бўлган назорат пунктларида ўрнатганликлари, иссиқ сув таъминоти учун қуёш электр станциялари ишлаб чиқара бошлаганликлари, республикамизда экилаётган 27 та пахта навининг 17 тасини яратганликларини мисол тариқасида айтадиган бўлсак, фан ютуқлари ишлаб чиқаришга ҳозиржавоблик билан татбиқ этилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшилаётганлиги яққол кўринади. Ҳар биримизни беҳад қувонтирадиган бундай улуғвор ишлар ўзбек олимининг эзгу ниятларини рўёбга чиқарган, уни буюк кашфиётларга илҳомлантириб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшган нурли туйғу Истиқлолнинг буюк неъматидир.

Нуриддин ОЧИЛОВ

ЁДИНГИЗ ЁДИМДАН ЎЧМАЙДИ СИРА

Xotira — muqaddas

Жомбой туманидаги Р.Зоҳидов номидаги 3-ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс бериш билан бирга шу мактабда узоқ йиллар директор бўлиб ишлаган устозим Аширбиби Хидированинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Биз кўпинча ўзимизни ғофилликда айблаймиз. Бўлиб ўтган бир воқеадан сўнг, "ғафлатда қолдик" дейиб-у, яна ўз ташвишимиз, ўз ҳаётимиз билан овора бўлиб юраверамиз. Кейин яна ғафлатда қолганимизни англаймиз...

Устоз, сизни яқинда кўрганимда, ўзим ҳақимда батафсил — ўқишим, ишим, яшаш шароитимдан тортиб режаларимгача сўрадингиз. Мен айтдим. Ўзингиздан сўрасам, нафақага чиққанингизни, ҳафтада бир-икки соат дарсингиз борлигини айтдингиз. Бу менга эриш эшитилди. Сиз кулиб, "қаридик", деб қўя қолдингиз. Барибир, сизда бир пайтлардаги шижоат, анчайин аёлларда учрамайдиган шашт, фақат "ўзингизгагина хос бир ўктамлик-сақланиб қолганди.

Мактаб давридаёқ сиз билан муносабатларимиз бошқалардан бўлакча эди. Ҳар бир янгиликни, ҳар бир янги шеърмни дастлаб сизга айтгим келарди. Баъзан ўқитувчилар хонангизга киришга ҳайиқиб туришса ҳам, мен тақиллатиб кириб бораверардим. Сиз доимо биринчи бўлиб "Онанг яхшими?" дердингиз. Опаларимнинг ўқишларини, сўнгра ўзимдан сўрардингиз. Менга эса айнан шу керак бўларди. Дарров гапни илиб кетардим. Сўнгра янги шеърмни ўқиб берардим. Сиздан шеъримга муносабат кутардим. Сиз эса адабиёт улкан майдон экани, шеърият фақат ҳис-туйғудан иборат эмаслиги ҳақида гапирардингиз. Бир куни шеърмни ўқиб бўлгач, фикрингизни айтинг, деб туриб олдим. Сиз ўрнингиздан туриб жавондан Э.Воҳидов, А.Орипов каби шоирларнинг китобларини совға қилдингиз. Менга ўқишим кераклигини, ҳали жуда кўп ўқишим лозимлигини, мумтоз адабиётдан ҳозирги адабиётгача дарсликлардан ташқари китобларни ўқишимни маслаҳат бердингиз. Мен шу куни хурсанд эдим. Шу кундан бошлаб Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби шоирлар менинг мўъжаз дунёимга кириб келишди...

Мен сизни энди тушунгандайман...

Бир куни мактабда қизлар мажлисини ўтказмоқчи бўлдик. Мажлис кун тартибини кўриб: "мажлис, йиғилиш, ўқувчиларни бездиради, уни бир анжуман шаклида ўтказамиз. Ҳамма нарсани қоғозга ёзиб, папкага тикиш шарт эмас, келинглар, қизларим, очиқчасига гаплашиб оламиз", дедингиз. Ҳақиқатдан шундай бўлди — қизлар ўзларини эркин тутиб, дилларидаги гапларни очиқ айтиб олишди...

Кеча пойтахтдан уйга қайтиб, совуқ хабар эшитдим. Нега? Нега, ахир? — дедим. Кейин умримиз шу жавобсиз саволдан иборат эканини тан олгим келмай йиғладим... Йиғлайвердим...

Сиз билан ўтган йиллар, дарсларингиз, суҳбатларингиз, турли воқеалар... Уларнинг қай бирини эсламай, сизнинг сиймонгиз, сизнинг зукколигингиз, ўткир нигоҳларингиз кўз олдимда намоён бўлаверади. Сиз кулиб "қаридик" деганингизни тан олгим келмаган эди. Лекин ҳаётнинг қонунлари биз билан ҳисоблашмас экан...

Бугун Жомбойдан пойтахтга сизнинг ёдингиз билан қайтар эканман, ота-онамга муносиб фарзанд бўлишни қанчалик истаган бўлсам, сизга, кейинги барча устозларимга муносиб шогирд бўлишни шунчалик исташимни дилимдан ўтказдим. Бунга умримнинг борича ҳаракат қиламан.

Манзура ШАМСИЕВА

Britaniyaliklarning milliy bayrami qirolichaning tug'ilgan kuni hisoblanadi.

Viloyatning shahar va tumanlarda bo'lib o'tgan musobaqalar g'oliblaridan 40 ga yaqin yoshi oltmishdan yuqori bo'lgan nuroniylar ushbu bellashuvda ishtirok etdilar.

ШАҲЗОДА АБДУЛЛО II РОССИЯГА КЕЛДИ

Саудия Арабистонининг шаҳзодаси Абдулло II Москвага биринчи марта ташриф буюрди.

Ташриф чоғида Москва ва Эр-Риёд нефть ва халқаро терроризмга оид шартномалар имзолашди. Россия Саудия Арабистонидаги нефть заҳираларини излаб топишга ёрдам беришини ва нефтни қайта ишлаш борасида кўпгина янги технологияларга эгалигини билдирди.

Учрашув чоғида В.Путин Россиянинг "Ислом Конференцияси"нинг доимий аъзолигига қабул қилинишига Эр-Риёднинг қўллаб-қувватлашига таянаётганини айтди.

Шаҳзода Абдулло II Чеченистондаги бўлаётган уруш ҳақида кўпгина фикрлар билдирди. Чеченистондаги аҳоли ҳаётини тезроқ тинч йўлга тушириб, барқарорлаштириш борасида қилинаётган ишларни тезлаштириш-га ундади.

Учрашув чоғида Исроил-Фаластин муносабатлари ҳам муҳокама қилинди. Шаҳзода Абдулло II Москвада икки кун расмий ташрифда бўлади.

БМТ ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРИ КОНГО РЕСПУБЛИКАСИДА

БМТ тинчликсевар кучлари Конго демократик республикасига жўнатилди. Улар Конго Республикасидаги Евроиттифоқ кучларининг ўрнини эгаллайди. Ҳозирги кунгача Конгода тинчликни сақлаб туриш Евроиттифоқ кучлари ёрдамида асосан француз ҳарбийлари томонидан бошқарилар эди.

Французлар Конго Республикасига шу йилнинг июнь ойида келишган эди. Маълумотларга қараганда, БМТнинг тинчликсевар кучлари асосан Конго Республикасининг вилоятларида жойлашадилар.

БМТ тинчликсевар кучлари Уругвай, Бангладеш, Ҳиндистон аскарларидан ташкил топган бўлиб, улар 4 минг кишидан иборат. Бу аскарларга асосан мамлакатда тинчликни сақлаш, аҳоли орасида гуманитар операциялар ўтказиш ва гуманитар ташкилотларнинг хавфсизлигини таъминлаш юклатилган.

Конгодаги фуқаролар уруши натижасида 2 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлган.

БЕН ЛОДЕН ҚАЕРДА?

Нью-Йорк ва Вашингтондаги 11 сентябрь воқеаларига 2 йил бўлди, лекин қўпорувчилик хуружларини уюштирган биринчи рақамли террорчи Усама Бен Лоден ҳалигача озодликда.

АҚШ хавфсизлик хизматлари тахминан террорчининг қаердалигини билишади, аммо Афғонистондаги АҚШ кучлари, на афғон армияси уни қўлга олишга муяссар бўла олишмаяпти.

ИСРОИЛ "ХАМАС" ҲАРАКАТИГА УРУШ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Исроил ҳукумати шу ҳафтанинг душанба куни «Хамас» ҳаракатига уруш эълон қилди. CNN ахборот агентлигининг хабар беришича, Исроил Фаластин мухторияти билан ҳамма дипломатик алоқаларни тўхтатиб қўйди. Баёнотда айтилишича, Исроил ҳукумати "Хамас" ва "Ислом жиҳоди" ҳаракатлари етакчиларига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборган.

Исроил ҳукуматининг маълум қилишича, Фаластин тинчликка йўналтирилган ҳаракатларни йўққа чиқармоқда. Ҳозирги кунгача "Хамас" террорчи ҳаракатининг ўндан ортиқ етакчилари йўқ қилинган, қолганлари қидирилмоқда.

МУЛЛА УМАР ҚУРШОВГА ОЛИНДИ

АҚШнинг алоҳида ҳарбий гуруҳи мулла Умарни Афғонистоннинг Сарсонг қишлоғи ёнида қуршовга олди. Толибон ҳаракати етакчиси Мулла Умар ўзининг мингга яқин жангчилари билан бир неча ҳафтадан бери қонли жанг олиб бораётган эди. АҚШ ҳарбийларининг айтишича, иккала тарафдан ҳам қурбонлар бор.

АҚШДА ИШСИЗЛИК КЎПАЙИБ КЕТМОҚДА

АҚШ ҳукумати мамлакатда ишсизлар сони кўпайиб кетаётганидан хавотирда. Кўпгина корхоналарнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб бораётган бўлса-да, корхоналар янги ишчи кучини жалб қилишга шошмаяптилар.



Ҳозирги кунда ишсизлик 6,2 фоизни ташкил қилмоқда. АҚШ Президенти Жорж Бужнинг айтишича, солиқларни янада камайтириш корхона, завод ва фабрикалар моддий аҳволини яхшилашга олиб келар экан. Иқтисод қилинган пуллар янги иш ўринларини кўпайтиришга сарф этилади. Аммо, Жорж Бушнинг танқидчилари "солиқларни туширишишсизликни қисқартиришга ҳеч қандай ҳисса қўшмаяпти», дейишмоқда".

БАРЕНЦ ДЕНГИЗИДА ҲАЛОКАТ

Североморск портидан Полярний портига йўл олган К–159 сув ости кемаси Баренц денгизида кечки соат 3-00 да чўкиб кетди, дея хабар беради "Вести" ахборотномаси. Ҳозирда "Пётр Великий" крейсери денгизчилари ҳалокат жойида қидирув ишларини олиб бормоқда. Ҳалокат сабаблари номаълумлигича қолмоқда. Россия мудофаа вазири Сергей Ивановнинг буйруғига ва Мурманск губернаторининг кўрсатмасига биноан 31 август куни Шимолий денгиз флотида ва қўшилмаларида мотам куни деб эълон қилинди.

ШАМИЛ БАСАЕВ ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

Грузия Миллий Хавфсизлик хизмати Шамил Басаевни халқаро террорчилар рўйхатига киритди. Ҳаммага маълумки, Басаев кўп йиллик тажрибалари давомида Грузия хавфсизлик хизмати томонидан 1992–1993 йилларда Абхазия ҳудудида қилинган жиноятлари учун қидирилаётган эди. Тбилиси баёнотида Грузия ҳукумати халқаро терроризмга қарши курашда барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиши алоҳида таъкидланди.

ИРОҚ ПОЛИЦИЯСИ ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИНИ ТЎХТАТИБ ҚОЛДИ

Ироқ полицияси катта қўпорувчилик хуружини тўхтатиб қолди. Бағдоддан 180 км узоқликда бўлган масофадаги Куфа шаҳри масжидларининг бири ёнидан катта миқдордаги портловчи модда яширилган автоулов топиб олинган. Бир неча кун олдин эса полиция икки нотаниш шахсни масжид атрофида қўлга олган. Улар Яман мамлакати фуқаролари бўлиб чиқди.

Dunyo mamlakatlari

БУЮК БРИТАНИЯ

Буюк Британия — савдо ва молия борасида энг муҳим жаҳон марказларидан бири бўлган индустриал давлатдир. У хорижда капитал қўйилмалари жиҳатдан АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради.

Европадаги 500 йирик монополияларнинг қарийб ярми унинг ҳиссасига тўғри келади.

Тўғри, Буюк Британия иқтисодий ривожланишнинг суръатларига кўра узоқ вақт АҚШ, Япония ва бир қатор Ғарбий Европанинг давлатларидан ортда қолди. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги унинг ҳиссаси қисқарди. Лекин 80-йиллар ўрталарига келиб иқтисодий ўсиш бирмунча кўтарилди.

Буюк Британия ороллардан иборат бўлиб, Европанинг шимолий-ғарбида жойлашган. Унинг тўлиқ номи Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидир. Унинг ҳудуди 244.7 минг км2 дан иборат. Пойтахти Лондон шаҳри, у ерда 7,2 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Дунёга машҳур катта шаҳарлари Бирмингем (1,2 миллион), Лидс (800 минг), Глазго (700 минг) ва бошқалардир.

Буюк Британиянинг тарихий ҳудуди 4 та вилоятдан иборат: Англия 39 та графликдан, Уэльс 8 та графликдан, Шимолий Ирландия 26 та округдан, Шотландия 9 та райондан иборат.

Умумий аҳолиси 59 миллион. Унинг 80 фоизи инглиз, 15 фоизи шотланд ва ирландлардан иборатдир. Давлат тили инглиз тилидир. Пул бирлиги фунт стерлинг, чақаси пенс деб юритилади.

Буюк Британия Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олган.

Ўзаро дипломатик муносабатлар эса 1992 йил 18 февралдан бошлаб ўрнатилган. 1993 йил 22-25 ноябрь кунлари Президентимиз И.Каримов Буюк Британияда биринчи бор расмий ташрифда бўлганди.

Британияликларнинг миллий байрами қироличанинг туғилган куни ҳисобланади.

Буюк Британияда қонун чиқарувчи орган парламент ҳисобланади. У икки палатадан — жамоат палатаси ва лордлар палатасидан иборат. 1952 йилдан буён давлат бошлиғи Елизавета II дир. Амалда ҳокимият парламент ҳамда ҳукмрон партия тузадиган вазирлар маҳкамаси қўлида тўпланган. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш керакки, парламентнинг қабул қилган қонунларини Британия суди бекор қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Сиёсий партияларига келадиган бўлсак, ҳокимиятда икки нуфузли партия — консерваторлар ва лейбористлар партиялари алмашиб туради.

Лейбористлар партиясига тўхталадиган бўлсак, у 1890 йилда вужудга келган, унинг асосий таркиби ишчилар оммасидан иборат. Лейбористлар партияси касаба уюшмаларига (тред-юнионларга)таянади ва анъанавий сиёсий институтларни сақлаган ҳолда демократик социализм асносида давлатни тинч йўл билан янгилашни ўз олдига мақсад қилиб олган.

1997 йилдан буён вазир вазифасини бажариб келаётган Тони Блэр ҳам лейбористлар лидеридир. Ҳозирда бу партиянинг 400 мингдан ортиқ аъзоси бор.

Консерваторлар партиясига келадиган бўлсак, у мамлакатда ёши жиҳатидан энг катта сиёсий партиядир. Бу партия XVII асрнинг охирларида шаклланган. Буржуазия ва ерга эга бўлган аристократлар манфаатларини ифода этган, уни майда хусусий мулкчиларнинг кенг қатлами ҳамда ишчиларнинг бир қисми қўллаб-қувватлайди. Унинг 200 мингдан ортиқ аъзоси бор. Шуни айтиб ўтиш керакки, Буюк Британия ҳукумати тепасига биринчи бор келган аёл йўлбошчи Маргарет Тэтчер ҳисобланади. "Темир хоним" номини олган бу аёл айнан консерваторлар лидери эди. У ҳокимиятни сурункасига ўн бир ярим йил бошқарган. Энди бошқа сиёсий партияларга келадиган бўлсак, 1981 йилда Лейбористлар партиясида ажралиш содир бўлди. Яъни, бир гуруҳ таниқли арбоблар ундан чиқиб, социал-демократик партия тузишган ва сайловларда либераллар билан биргаликда ҳаракат қилишган.

1987 йилдан социал-демократлар ва либераллар "Социал ва либерал демократлар" партиясига асос солишди. Ҳозирда унинг 80 мингдан ортиқ аъзоси бор. Буюк Британияда оппозициядаги асосий кучлар жумласидан "Яшиллар" партиясини айтиш мумкин. У атроф-муҳитни соғломлаштириш ғоясини илгари суриб, ўзига кўплаб тарафдорларни оғдириб олган. Ўз-ўзини бошқариш ва ўз ҳудудининг мустақиллигини сақлашга чорлаётган Шотландия ва Уэльс миллий партиялари ўз сафларида 100 мингдан ортиқ аъзоларни бирлаштирган. Бундан ташқари таъсир кучи унча кучли бўлмаган коммунистик гуруҳлар ҳам оппозицияда турибди.

Ҳозирда Буюк Британия жаҳоннинг энг ривожланган "Саккизлик" давлатига киради. БМТнинг асосий жавобгарлик хавфсизлик кенгашининг доимий аъзосидир. У NATO ташкилотининг тузилишида бош-қош бўлган ва ташкил топгандан буён NATOнинг аъзоси ҳисобланади. Европа ҳамдўстлигига 1973 йилда аъзо бўлган.

Буюк Британиянинг асосий савдо ҳамкорлари Германия, АҚШ, Франция, Нидерландия ҳисобланади. Бешинчи катта ҳамкори Россия саналади. Россияга энг йирик инвестицияни АҚШ киритган бўлса, 2-ўринда Буюк Британия киритган. Бир йиллик ишлаб чиқариш бир кишига 17 минг долларга тўғри келади. Ўртача ёш, эркакларда 73, аёлларда 78 ёшни кўрсатмоқда. Ўртача бир ҳафталик иш 35-40 соатни ташкил қилади.

Буюк Британиянинг университетларига тўхталадиган бўлсак. Оксфорд (1167 йилда ташкил топган) ва Кембридж (1209 йил) энг катта университетлардир. Булардан ташқари Лондон Эдинбург ва бошқалар киради.

Мамлакатда, 65 фоиз инглизлар марказий газеталарни ўқийди. Марказий газеталарнинг нусхаси ҳафтада 15 миллионга етади. Масалан «Ньюс оф уорлд» (якшанба газетаси) 4,4 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилади. "Сан" (кунлик газета) 4 миллион нусхада, "Дейл миррор" (кунлик газета) 2,2 миллион нусхада, "Дейли мейл" (кунлик газета) 2,1 миллион нусхада, "Миррор" (кунлик газета) 2 миллион нусхада чоп этилади. Буюк Британияда дастлаб 1922 йилда радио эшиттириш вужудга келган. Бош радиокомпанияси — Британия радиоэшиттириш корпорациясидир (Би-БИ-си). У 3 та миллий радиоканал, 5 та хусусий Би-Би-си канали ва 250 та ҳудудий каналдан иборатдир.

Телевидениеси Би-би-си ва Ай-ти-эсдан иборатдир. Булардан ташқари ҳудудий программалар ҳам мавжуд. Би-Би-си телевизион хизмати 1936 йилда дастлаб иш бошлаган.

Бунинг кўрсатувлари 2 та каналдан иборат бўлиб, Би-би-си-1ни Буюк Британиянинг 99 фоиз аҳолиси кўради, Би-Би-си-2 ни эса, 94 фоиз аҳоли томоша қилади. Ҳар бир инглиз бир ҳафтада 17,5 соат телекўрсатувларга вақтини ажратади. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Би-би-си халқаро теле ва радио эшиттиришдир. Дунёнинг ҳамма давлатларида унинг хизмат бўлимлари мавжуд.

Буюк Британиянинг ахборот агентликлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Улардан энг катталари — Пресс Ассошиэйшн (1868 йилда ташкил топган) бўлиб, у ички ахборотлар билан шуғулланади. Рейтер ахборот агентлиги эса, дунё хабарларини етказиш билан шуғулланади. У 1851 йилда ташкил топган. Булардан ташқари Юнайтед пресс интернэшнл агентлиги ҳам фаолият юритади.

Шерзод АҲМАТОВ
тайёрлади

ФУТБОЛ

Самарқанд шаҳар Сиёб тумани "Боғимайдон" маҳалласи ўйингоҳида 1988-89 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12-йиллиги байрамига атаб футбол мусобақаси ўтказилди.

Ушбу мусобақада вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги махсус футбол мактабининг "Локомотив", "Ёшлик", Нафис", "Боғимайдон" жамоаларининг ёш чарм тўп усталари иштирок этдилар.

Қизиқарли ва шиддатли кечган ўйинлардан сўнг "Боғимайдон" жамоаси ҳал қилувчи финалда "Нафис" жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб бош совринни қўлга киритди. Нафис жамоаси 2 ўринни ва "Локомотив" жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида энг яхши ўйинчилар деб — Содиқ Ғаниев, Фамон Тўрақулов — Боғимайдон жамоасидан; Алишер Шарипов — Нафис жамоасидан, Баходир Зокиров — Ёшлик жамоасидан топилиб мусобақани кўтаринки руҳда ўтишида бош бўлган "Боғимайдон" маҳалласи фуқароси Ўктам Саидмуродов томонидан таъсис этилган, эсталик совғалар билан тақдирландилар.

* * *

Самарқанд вилояти Иштихон тумани марказий футбол ўйингоҳида 11-12 ёшдаги ўқувчилари ўртасида "Футболимиз келажаги" турнирининг республика минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Нарти баланд маҳалласи, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 12-Лолазор маҳалласи ва Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги "Жўра Маҳмудов" номли маҳалалар ёш чарм тўп усталари ғолиблик учун майдонга тушдилар.

Қизиқарли ва шиддатли кечган ўйинлар натижалари қуйидагича бўди.

Қашқадарё — Сурхандарё = 2:1
Самарқанд — Сурхондарё = 4:1
Самарқанд — Қашқадарё = 2:0

Мусобақа якуний натижаларига кўра 1-ўринни эгаллаган Самарқанд вилояти жамоаси "Футболимиз келажаги" турнирининг 11-12 ёшдаги республика финал босқичига йўлланма ҳал қилувчи ўйинлар Наманган шаҳрида ўтказилади.

НУРОНИЙЛАР ЭЪТИБОРДА

Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишлаб Самарқанд вилоят нуронийларининг биринчи шахмат-шашка мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими аъзоларининг хизматлари катта бўлди.

Улар иштирокчилар учун барча қулайликлар ва шароитларни яратдилар.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган мусобақалар ғолибларидан 40 га яқин ёши олтмишдан юқори бўлган нуронийлар ушбу беллашувда иштирок этдилар.

Мусобақа иштирокчиларни вилоят фахрийлар спорти федерацияси раиси, Х.Нормуродов қизғин табриклаб уларга омад тилади.

Шахмат бўйича учрашувлар якунига кўра Боғишамол туманидан Халқ таълими фахрийси Ўроқ Суюнов биринчи ўринни, пайариқлик Рахматуло Коржовов иккинчи ўринни, ҳамда Темирйўл туманидаги Абдухаким Назаров учинчи ўринни Оқдарёлик нуроний отахон 81 ёшли Мардон Довиров эгаллади.

Учрашувлар якунига кўра ғолибларга "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо эсталик совғалари топширилди.

М.АХМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ЯНГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Францияда енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Виталий Смирнов 48,998 сония билан марраga рақибларидан биринчи бўлиб етиб келди. Бу билан у жаҳон чемпиони номини қўлга киритди.

Енгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати баҳсларида умумжамоа ҳисобида Белорус ҳамда Россия терма жамоалари 3 тадан олтин ва 3 тадан кумуш медалларни қўлга киритди.

БИРИНЧИ ЎРИН

АҚШда спорт гимнастикаси бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Александра Гордеевага омад кулиб бокди. Александра бу турнирда биринчи ўринни эгаллади. Энг муҳими Александра 2004 йил Грециянинг пойтахти Афинада бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

ЎзА.

Қадрли инглиз тили мухлислари!

31 августдан эътиборан Ўзтелерадиокомпаниянинг Халқаро телеканалида "Инглиз тили курси" намойиш этилади.

Ушбу кўрсатув "American Councils" АҚШ элчихонаси ҳамда "УзПАК" билан ҳамкорликда тайёрланган. Дастур 20 та кўрсатувдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан (Урганч, Бухоро, Фарғона, Тошкент) АҚШда таҳсил олиб келган инглиз тили муаллимлари янги методикани қўллаб? дарс олиб борадилар. Талабалар ролида АҚШда ўқувчилар дастури бўйича ўқиб келган тошкентлик йигит-қизлар қатнашган.

Курс саволлари "Маърифат" газетаси ҳамда www.dl.uz интернет сайтида ҳар ҳафта чоп этилади.

Марҳамат, биринчи дарс саволини ёзиб олинг.

1. What do you think the story is about?
2. What does it mean: "To flop down"?

Курс якунида 2004 йилнинг 11 январь куни энг фаол талабалар АҚШ элчихонаси томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланадилар.

Жавобларингизни: Тошкент 700011
Навоий 69 ТВ-4 Инглиз тили курси
uztv-4@uzpak.uz
Ҳаммага омад тилаб қоламиз!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги 2003 йил 7,14,21 октябр кунлари Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг биносида соат 10-00да кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган жисмоний шахс Мўминов Мурад Сабировичга қарашли Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Э.Мараимов кўчаси, 17-уйда жойлашган умумий майдони 303,3 кв.м бўлган савдо дўконини, бошланғич нархи 28336600 сўм;

2. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган "Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси махсус тиббий базаси"га қарашли:
— Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Устабаева кўчаси, 203 уйда жойлашган маъмурий бинони, бошланғич нархи 15640000 сўм;
— Собир Раҳимов тумани, Дадабаева кўчаси, 65-уйда жойлашган маъмурий биносини, бошланғич нархи 15521000 сўм.

ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Туркистон" рўзномасининг 2003 йил 7 августдаги 87-сон, 2003 йил 14 августдаги 90-сон ва "Учитель Узбекистана" рузномасининг 2003 йил 22 августдаги 34-сон нашрларида берилган Кимошди савдоларининг ташкилотчиси ***"Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Универсал Биржа Маркази"*** *ўрнига* ***"Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил килиш агентлиги"*** *деб ўқилсин.*

Шунингдек, ***"Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Универсал Биржа Маркази"*** *даги биржа савдоларидан ташқари кимошди, танлов ва тендер савдоларини ўтказиш фаолиятини* ***"Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги"*** *давом эттиради.*

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектларининг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайҳонтохур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

Qo'shiq shunchalar ishonchli chiqdiki, hatto ba'zilarning xonandaga rahmi ham kelib ketdi.

Agar kimningki, patnisi chiroyli bezatilsa, avvalo, uning didi chakki emasligi, qolaversa, oilaviy hayotga tayyor ekanligi oydinlashadi.

КЎНГИЛ КУЙЧИСИ

Uchrashuv

Қўшиқ нима? Дилнинг изтироб ва аламлари ифодасими? Армон ва орзулар ҳикоятими? Қувонч ва шодликлар акс-садосими? Унинг қудрати нимада? Уни тинглаганда, сеҳр домига тушганда бу саволларга жавоб топмоқ бўламиз. Ва охир-оқибат қўшиқ — бу илоҳий неъмат, деган тўхтамга келамиз. Ахир шодликдан тўлқинланиб кетганимизда беихтиёр хиргойи қилиб юборишимизни қандай изоҳласа бўлади. Ғамга ботганда ҳам қўшиқ тинглашимизничи?

Ҳа, қўшиқ шу қадар кўнглингизга яқин, шу қадар таниш. Ким севмаган, ким севилмаган. Фақат ҳамма ошиқ ҳам ўз дилида кечганини куйлай олмайди. Шундан бу қўшиқ сиз айтолмаган қўшиқ бўлиб туюлади сизга.

Қон йиғлатди қайси бағритош,

Жайрон, нега кўзинг тўла ёш!

Балким сиз ҳеч йиғламагансиз, ҳеч кимни йиғлатмагансиз. Аммо қўшиқ сизни йиғлатади, юракларингиз ёш тўкади гўё. Қўшиқнинг сирли қудрати шулдир балким.

Аммо томошабин халқи бешафқат бўлади, агар янги-янги яхши қўшиқлар айтиб турмаса, ҳофизни битта яхши қўшиғи учун эъзозлаб эшитиб юрмайди, унутади-кўяди. Чунки саҳна ҳам, тингловчи ҳам янгиликни кутади. Гарчи "Жайрон" гўзал қўшиқ бўлиб таралган бўлса-да, ёш Анварнинг Анвар ҒАНИЕВга айланишига етарли эмасди. Орадан йиллар ўтди.

Ва телеэкранимизда "Кўнгил кўчалари" пайдо бўлди. Видеофильмда янграган "Кўнглим" қўшиғининг ҳам оҳанги, ҳам ижроси билан Анвар Ғаниев ўз иқтидорини тўлалигича очиб берди. Томошабин мулойим ва ширали овоз соҳибининг қўшиғига боғланди-қолди.

Ҳақиқатан ҳам бу икки қўшиқ "узукка мос тушган кўздек" ўз куйини ва ижрочисини топган эди.

Хонанда эса изланишлар ортидан ўз услубини топганди.

Қўшиқ шунчалар ишончли чиқдики, ҳатто баъзиларнинг хонандага раҳми ҳам келиб кетди. Қишлоқнинг содда кампирларидан бири пойтахтда ишлайдиган мухбир қизига кўнглидан кечганини айтиб қўя қолди: "Шундай йигитнинг ҳам армони бор эканда. Ўша севганига уйланиб қўя қолса бўлмайдими, эзилиб кетди-я..."

Мухлислар эса уни тинглаган сари унинг ҳаётига, феъл-атвори, юриш-туришига қизиқишади. Азалдан шундай бўлиб келган. Давраларда таниқли санъаткорлар ҳақида миш-мишлар урчийди. Биров суйганидан, биров куйганидан сўз олади. Бизнинг ишимиз эса, улар ҳақида ёзиб, мухлисларнинг саволларига жавоб айтиш. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Ғаниевни суҳбатга тортамиз.

— Қўшиқ айтиш сизга кимдан юққан? Оилангизда санъаткорлар бўлганми?

— Дадам фарзандларидан бирининг қўшиқчи бўлишини жуда-жуда истаган эканлар. Мен ҳатто ёруғ оламга келмасимдан туриб, агар ўғил бўлса ҳофиз бўлсин, деб ният қилган эканлар. Албатта орзунинг ўзи билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Дадамизнинг истаги яратганга хуш келган шекилли, менда болалигимдан мусиқага иқтидор ва иштиёқ сезилган. Эсимни таниганимдан мусиқа мактабига ўқишга беришди. Чирчиқдаги мусиқа мактабини тамомлаганимдан сўнг Маданият олийгоҳига ўқишга кирдим.

— Демак, бир сўз билан айтганда болалигингиздан мусиқа тинглаб, мусиқага ошно бўлиб, уни ўрганиш билан вояга етгансиз. Сиз мақомни яхшигина ижро этасиз, аммо негадир эстрада йўналишида қўшиқ айтасиз. Замона талабими бу?

— Мақом йўналишидаги қўшиқларни маза қилиб куйлайман. Аммо бир ёқлама ижодкор бўлиб қолишдан ҳам қўрқаман. Қолаверса, миллий қўшиқларни жойи келганда ижро этиб кетавераман. Эстрада қўшиқларининг ўзига хос жозибаси бор. Икки йўналишни биргаликда олиб боришга ҳаракат қиламан.

— Охирги пайтда дуэтлар айтишга ҳам ўтдингиз.

— Ошиқ ва маъшуқнинг бир-бирига талпинишини, кўзлар баён қилаётган изҳори дилни дуэт орқали ифодалаш осон. Айтилган дуэтларимни тингловчилар ҳам яхши қабул қилишди. Яна таклифлар ҳам бўлаяпти.

— Мусиқаларингиз ҳам овозингиз каби мулойим, сокин, уларни ким ёзиб беради?

— Сўзлари ўзимга ёққан шеърни топсам, соатлаб фортепьяно олдида ўтираман. Унга мос оҳанг топмагунча тинчимайман. Асосан ўзим ёзаман.

— Демак, куйларингизнинг маҳзунлигини ўзингизнинг кайфиятингиздан деб тушуниш тўғри бўларканда?

— Ҳа, феъл-атворим оғирроқ куйларга мос келади. Аммо кейинги пайтларда шўх қўшиқлар айтишга ҳам ҳаракат қилаяпман.

— Ўзингиздан кўнглингиз тўлмаган жиҳатларингиз?

— Ўз-ўзимга бўлган талабчанлик етишмайди, назаримда.

Бир нарсани бошласам, баъзида қатъиятсизлик қилибми, охиригача етказмайман. Ташлаб қўяман.

Суҳбатдош: Мавлуда АНАРБОЙ қизи

Ватан манзаралари

Xullas...

ПАТНИС-ШЛЯПА БИЛАН... ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА

Тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган тантанали юришда иштирок этишга португалиялик қизлар жуда ҳам ошиқишади. Улар кўрикда бошларига, албатта, патнисни шляпага ўхшатиб кийиб олган бўлишлари керак. Таажжуб?!

Бу йилги "патнислар фестивали" Ламега шаҳарчасида ўтказилди. Иштирокчилар эса, 700 нафар. Патнисни шляпага айлантириб олишнинг замирида қандай маъно бор?

Қизларнинг оилавий ҳаётга тайёр ёки тайёр эмаслиги ана шу патнислар орқали билинар экан. Бунинг учун улар ўз бўйлари билан баробар тарзда овқатга ишлатиладиган ўтларни шляпадан тўпиғига қадар безаб чиқишлари керак. Агар кимнингки, патниси чиройли безатилса, аввало, унинг диди чакки эмаслиги, қолаверса, оилавий ҳаётга тайёр эканлиги ойдинлашади. Айни пайтда, у соғлом болаларнинг онаси бўлиши мумкин, деб баҳоланади, дея хабар берилади Швейцарияда чиқадиган "Вельтвахе" газетасида.

СЕВИШГАНЛАР "ЖИНОЯТИ"

Ярим тун. Сокинлик. Твер шаҳридаги квартиралардан бирида эса бесаранжомлик. Тўрт басавлат йигит бостириб киргач, хонадон бекаси ўзини йўқотиб, ҳушидан кетаёзди. Аммо, тезда ўзини ўнглаб олиб, полицияга қўнғироқ қилишга улгурди.

Эртаси куни ички ишлар бўлими ходимлари босқинчилар билан тегишли жойда сўроқ қилишни бошладилар. Дастлабки сўров пайтидаёқ жиноятнинг асл сабаби ойдинлашди. Уй бекасининг ёш қизи йигитлардан бири билан "Ромео ва Жулетта" бўлиб юрган экан. Фақат бундан она бехабар. Маъшуқа ўз ошиғи билан юзма-юз қилинганда, йигитларга нисбатан жиноий иш қўзғатишнинг умуман ҳожати йўқлиги аён бўлди.

Шундай қилиб, ошиқнинг "жинояти" бекор қилинди.

ҚУШЧАДАЙ МИТТИ ВЕРТОЛЁТ

Мэриленд университети олимлари ўлчови 13-15 см бўлган учиш мосламасини ихтиро қилишди. Бундан аввалроқ улар йирикроқ ҳашарот ўлчовидаги вертолёт макетини яратишган эди. Кейинги ясалган мослама миттигина қушчани эслатади. Ихтирочилар уни "энтомонтер" деб аташди. "Энтомология" ва "геликоптер" (вертолёт) сўзларининг қисқартмаси.

Тавсия қилинаётган учиш мосламаси пиёдалар, десантчилар ва махсус назорат вакилларига қўл келади. Ундан разведка маҳалида фойдаланилади. Тоғли шароитда, қуюқ ўрмонзорларда ҳамда йирик шаҳарларда қушчадай митти бу вертолёт ўз вазифасини аъло даражада бажаради, деб ёзади Американинг "Аур Нейви" журнали.

ana shunaqa gaplar

ОНА ДИЁР МАДҲИ

Маҳмуджон ДАДАБОЕВ шеъри ва мусиқаси

(Вальс)

Яшна, юксал, диёрим
Сенсан бахтим, баҳорим.
Мадҳинг жўшиб куйламоқ,
Кўнглимдаги шиорим.
Гўзал гулшан боғларинг,
Гўзал улкан тоғларинг.
Дилга ором бергувчи,
Нурафшон ҳар ёқларинг.
Сен тандаги жонимсан,
Томирдаги қонимсан.
Меҳринг яшар қалбимда,
Ғурурим, ҳам шонимсан.
Яшна, юксал, диёрим,
Сенсан бахтим, баҳорим.
Мадҳинг жўшиб куйламоқ,
Бўлгай мангу қарорим.



НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ҚУЙИДАГИ ДИПЛОМЛАР:

1. "Рус тили ва адабиёти" мутахассислиги бўйича 2000 йили университетни тамомлаган ва 21.11.2001 йилда 136-қайднома орқали Тян Ольга Григорьевна номига берилган В-005473 рақамли имтиёзли бакалавр дипломи;

2. "Корейс тили"мутахассислиги бўйича 2000 йили университетни тамомлаган ва 27.10.2000 йилда 563-қайднома орқали Ким Евгения Феликсовнага берилган В-027619 рақамли, 31.11.2000 йилда 564-қайднома орқали Ким Валерия Александровнага берилган 027620 рақамли, 09.04.2002 йилда 566-қайднома орқали Ли Марина Валентиновнага берилган 027622 рақамли бакалавр дипломлари;

3. Ёзилиш пайтида бузилган деб топилган В-005474 рақамли имтиёзли, В-027658, В-028143, В-098713, В-027999 рақамли оддий бакалавр дипломлари диплом бўлимида йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

"ОНА ВАТАНИМ"



АЙЛАНМА КРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Автомобилсозлар шаҳри. 2. Ёш иқтидорли санъаткорларга бериладиган мукофот. 3. Профессионал бокс бўйича фаолият кўрсатаётган спортчи. 4. Миллий ипак газлама. 5. Нашриёт. 6. Автомобиль маркаси. 7. 2700 йиллиги нишонланган давлатчилигимиз асоси ҳисобланувчи нодир манба. 8. Иқтидор соҳибалари учун таъсис этилган йиллик мукофот. 9. Атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони. 10. XXV асрлик юбилейи нишонланган шаҳар. 11. Ҳудуди энг катта вилоят. 12. Давлат рамзи. 13. Ўзбек физик олими. 14. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 15. Вилоят. 16. Амир Темур портрети муаллифи, устоз рассом. 17. Харбийларимиз ҳаёти ёритилган кўп қисмли фильм. 18. Спорт ўйини. 19. Шарафига танловлар ўтказилаётган устоз ҳофиз. 20. Адиб ва олим, "Абулфайзхон" тарихий драмаси муаллифи. 21. Фарғона водийсидаги ўзлаштирилган чўл. 22. Маъмурий ҳудудий бўлинма. 23. "Адолат манзили" асари муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 24. Газламага номдош туман. 25. Тантанали кун. 26. Меъморий ансамблнинг яхлитлиги жиҳатдан Марказий Осиёда ягона ҳисобланувчи шаҳар жойлашган вилоят. 27. Йирик газ-кимё комплекси жойлашган маскан. 28. Ватанимиз жанубидаги кўмир кони. 29. Трикотаж либослар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Туркия бирлашмаси. 30. Ватанимиз спортчилари биринчи маротаба иштирок этиб, яхши натижаларга эришган Осиё ўйинлари мусобақалари бўлиб ўтган давлат. 31. Наманган вилоятидаги шифобахш маъдан сувли оромгоҳ. 32. Мирзачўлда бунёд бўлган шаҳар. 33. Гул. 34. Ватанимизнинг йирик нурхоналаридан бири. 35. Мустақиллик йиллари фаолият бошлаган иқтидорли ўқувчилар илмгоҳи. 36. Дунёда оммалашаётган миллий спортимиз.

ЧАЙНВОРД

1. Ўрта махсус ўқув юрти. 2. Давлатимизнинг олий нишонларидан бири. 3. Қорақалпоғистондаги электр корхонаси. 4. Йирик матбаа концерни. 5. Истиқлолимиз йилларида қайта қарор топган азалий урф-одатлар мажмуи. 6. Устоз зардўз аёл, Ўзбекистон Қаҳрамони. 7. Минг йиллиги нишонланиб, экранлаштирилган ўзбек халқ достони. 8. Ашула ва рақс гуруҳи. 9. Ёшлар ижтимоий ҳаракати. 10. Қарши чўли марказида бунёд бўлган шаҳар. 11. Пойтахт. 12. Республикамизда биринчи бўлиб "Амир Темур" ордени билан тақдирланган маскан. 13. Давлатимизнинг олий нишони. 14. Сўнгги йилларда ишга туширилган нефть кони. 15. Бухоро вилоятидаги чўлга номдош қўриқхона. 16. Фарғона водийсида топилган қора олтин кони. 17. Мустақиллик даврида бунёд этилган тоғ довон йўли. 18. Шоҳмат бўйича халқаро гроссмейстер унвонига эришган ўзбек спортчиси. 19. Ватанимизда алоҳида бир соҳага раҳбарлик қилувчи ижрочи орган.

КРОССЧАЙНВОРД

1. Дунёдаги бешта Халқаро кенглик муассасасининг бири жойлашган республикамиздаги коинотни ўрганувчи маскан. 2. Рақс гуруҳи. 3. Торли мусиқа асбоби. 4. Қашқадарё вилоятидаги газ конларига бой ботиқлик ҳудуди. 5. 2700 йиллиги тантана қилинган шаҳар. 6. Абдулҳамид Чўлпон ёзиб қолдирган "Кеча ва кундуз" романи қаҳрамони. 7. Алишер Навоий адолатли, халқпарвар шоҳ сиймоси сифатида гавдалантирган достон қаҳрамони. 8. Ўзбек халқ мақоми. 9. Пойтахтимиз билан биродарлашган шаҳар. 10. Боғу бўстонга айлантирилган жанубдаги чўл ҳудуди. 11. Миллий таом. 12. Атоқли шоир Усмон Носир қаламига мансуб достон. 13. Водийдаги вилоят. 14. Миллий ўймакорлик безаги. 15. Оқсарой обидаси жойлашган шаҳар. 16. Зийнат буюмлари устаси. 17. Ўтмишда карвон йўлларида бунёд этилган сарой. 18. Пойтахтимиз вилояти кутубхонасига берилган ном. 19. Яйловларга бой тоғ маскани. 20. Ҳўл мева. 21. Сопол буюмлари ишлаб чиқариш ривож топган туман. 22. Самарқанд вилояти шаҳри. 23. Миллий цирк томошаси санъаткори. 24. Водийлардан бири. 25. Истиқлол йилларида қайта тикланиб, анъанага айланган азалий айём. 26. Миллий нон тури. 27. Сиёсий партиялардан бири. 28. Қардош миллат.

МУАММОНОМА

Аввало, қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. "Отамдан қолган далалар" асарини ёзиб қолдирган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати. — 17, 6, 11, 3, 1. 4, 5, 7, 6, 9.

2. Футбол командаси — 9, 3, 4, 3, 16.

3. Ижтимоий адолатни қарор топтиришда аҳамият касб этиб, обод бўлиб бораётган маъмурий ҳудуд. — 4, 3, 14, 3, 10, 10, 3.

4. Республикамизда қўшма корхоналар бунёд этган Осиёдаги йирик мамлакат. — 13, 2, 17, 6, 1.

5. Сирдарё вилоятидаги шаҳар. — 12, 3, 13, 17.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Бунда мустақиллик йилларида қадамжоларига мақбаралар бунёд этилиб, таваллуд саналари нишонланиб, зиёратгоҳга айлантирилган халқимизнинг ардоқли тўртта алломасининг номлари аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-826.
Тиражи 19179. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(м) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва таргибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00